БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 288 (18.166). • 13 декабрь 1981 йил, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

МОНТАЖЧИЛАР ЗАФАРИ

Яқинда республикамизнинг энергетика системасига яна бир гидроэнергоблок қўшилди. Ғазалкент ГЭСида охирги — учинчи гидроэнергетика блоки монтажи муддатидан илгари тугалланди. Шу билан Чирчиқ дарёсидаги сўнгги гидроэлектростанция қурилиши муваффақиятли тугалланди. Эндиликда Чирчиқ дарёсида Чорвоқ, Хўжакент ва Ғазалкент ГЭСлари муваффақиятли ишлай бошлади. Республикамизнинг корхоналарига, колхоз ва совхозларига электр токи етказиб бера бошлади. Бу республикамиз энергетика системасига жуда катта қувват бўлиб қўшилди.

Ғазалкент ГЭСи қурилишида кўпгина пешқадам ишчилар меҳнат қилишди. Улар «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» шиори остида меҳнат қилиб, ўз шахсий топшириқларини муддатидан илгари бажардилар ва коллектив ютуғига муносиб ҳисса қўшдилар. Социалистик мусобақа ғолиблари сафи кенгайиб борди. Суратларда: электрпайвандчи Тожи Мадазов. Ў энергоблоклар қурилишида доимо пешқадамлар сафида бўлди. Ўнгдаги суратда эса Ғазалкент ГЭСининг машина зали.

В. Сироткин фотолари.

РЕДАКТОР КОЛОНКАСИ

ВАҚТНИ ТЕЖАНГ

Дақиқалар ичида космонавт фазога парвоз қилади. Кўз очиб-юмгунча товушдан тезучар самолётлар бир зумда кишн ингоҳидан ғойиб бўлади. Секунд стрелкаси бир давра айланиб улгурмасданоқ янги автомат дастгоҳ бир нечта детални тайёрлаб беради... Ҳа, вақтнинг ана шу жуда қисқа дақиқаларида не-не мўъжизалар яратилмоқда, буюк ўзгаришлар ясалмоқда.

Вақтнинг ҳар бир дақиқаси катта бойлик. Бир минутда мамлакатимиз бўйича 16 минг метрдан ортиқ газлама, 1200 та чарм пойабзали, юз тонна металл ва цемент, юз тоннадан зиёд минерал ўғит, миллион сўмлик бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Бу халқ хўжалигимизда ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланиш ва тежамкорлик йилдан-йилга яхшиланиб бораётганлигини кўрсатади.

Карл Маркс: «Ҳар қандай иқтисод оқибат-натижада вақтни иқтисод қилишдан иборатдир», — деган эди. Жамиятнинг фаровонлиги, шубҳасиз, ишлаб чиқариш кучларидан мумкин қадар оқилона фойдаланишга боғлиқ. Шундай экан, вақтнинг ҳар бир дақиқаси фақат наф келтирадиган ишларга сарфланмоғи керак. Буни яхши англаган азамат ва бунёдкор халқимиз вақтдан ўзиб фидокорона меҳнат қиляпти.

Бизда ҳар бир киши ўз қобилияти ва имкониятини тўла намоён эта олиши учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Хоҳ ишлаб чиқаришда ёки маданият соҳасида бўлсин, хоҳ фанда ёки қишлоқ хўжалигида бўлсин, умуман, ҳамма ерда вақтдан, унинг минут ва секундларидан унумли ва тежамли фойдаланилмоқда. Натижада зафарларга зафар, ютуқларга ютуқ уланиб боряпти.

«Бир беш йилликда — икки беш йиллик топшириқни бажарамиз!», «СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига 60 зарбдор ҳафта», «Сафимизда қолоқлар бўлмасин!» — ана шу шиорлар остида вақтни иқтисод қилиб ишлаётган қўёшли диёримиз меҳнат аҳли қувончли натижаларни қўлга киритяпти. Айниқса, шу долзарб кунларда ҳар бир дақиқани ғанимат билан пахтакорларимиз жасорати таҳсинларга сазовор.

Бир йилнинг 365 кунидан юздан ортиғи дам олиш ва байрам кунларига тўғри келаётган ҳозирги шароитда ҳар бир киши ўз иш участкасида вақтни тежай билиши лозим. Бебаҳо бойлик — вақтнинг бирор дақиқаси ҳам беҳуда сарф қилинмаслиги керак. Жонажон коллективимиз олдидаги масъулиятимизни чуқур ҳис этган ҳолда иш вақтининг самарали ва унумли бўлишига эришишни шарафли бурчимиз, деб билмоғимиз зарур. Корхоналар ва муассасалар, хўжаликлар ва идоралар маъмуриятлари, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари меҳнат коллективларида вақтдан оқилона ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш масаласи билан астойдил ва мунтазам шуғулланиб бориши лазм.

Вақт кўзланган ва режали мақсад билан қадрлидир. Демак, йил, ой, ҳафта, кун ва соат, минут ва секунд шундай мақсадларга хизмат қилсинки, пировардида ҳам кишининг ўзига, ҳам жамиятга самара ва чексиз қувонч келтирсин. Бугунги кунимиз ўтиб бораяпти, дейлик. Соат миллари илдамлаяпти. Нимага улгурдик у, нимага улгуролмадик!! Бугунги ишингиздан кўнгилингиз тўлдими ёки кўкми!! Бугун бажаролмаган ишингизни, албатта, эртага ниҳоясига етказиш учун ҳаракат қилинг! Вақт кутиб турмайди. Энг муҳими, вақтни тежай билинг, унинг қадрига етинг!

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Республика химия саноати корхоналари коллективларининг СССР ташкил этилган кунининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш ҳамда 1982 йилда минерал ўғит ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситаларини ишлаб чиқариш топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан олган социалистик мажбуриятлари тўғрисида

Республика химия саноатининг кўпчилик корхоналари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездининг тарихий қарорларини бажара бориб, минерал ўғит ишлаб чиқариш юзасидан ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли уддаладилар.

Шу йилнинг 11 ойи мобайнида пландан ташқари «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида 72 минг тонна, Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида 56 минг тонна, Фарғона «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида 11 минг тонна, Олмалиқ химия заводида 55 минг тонна, Қўқон суперфосфат заводида 10 минг тонна минерал ўғит ишлаб чиқарилди.

КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленумининг қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқида баён этилган қоидалар ва хулосалар республикада коммунистик қурилишнинг ҳамма участкаларида янги зафарларга даъват деб қабул қилинди.

СССР ташкил этилган кунинг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга интилаётган республика химия саноати корхоналарининг коллективлари ўз кучлари, билимлари, ижодий изланишларини 1982 йил планини, умуман беш йилликни бажариш учун курашнинг ҳал қилувчи участкаларида меҳнат самарадорлигини ошириш резервларини қидириб топишга қаратмоқдалар ва янги юксак марраларни белгиламоқдалар.

Республика химиклари ташкилотчилик, гоявий-сиёсий ишни яхшилаш, социалистик мусобақани янада авж олдириш, ташкилий-техникавий тадбирларни бажариш, янги қувватларни муддатидан илгари ишга туширишга ўзлаштириш, илмфан ва илғор тажриба ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, хом ашё ва материал сарфлаш коэффициентларини камайтириш ҳисобига 1982 йилда йиллик планга қўшимча равишда 225 минг тонна минерал ўғит ишлаб чиқариш мажбуриятини олдилар. Шу жумладан, айрим бирлашма ва корхоналар пландан ташқари қуйидаги миқдорда минерал ўғит ишлаб чиқаради:

«Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси — 75 минг тонна,

Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси — 40 минг тонна,

Фарғона «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси — 10 минг тонна,

Олмалиқ химия заводи — 80 минг тонна,

Самарқанд химия заводи — 10 минг тонна,

Қўқон суперфосфат заводи — 10 минг тонна.

Шунингдек, пландан ташқари ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситаларидан 220 тонна ишлаб чиқаришга қарор қилинди. Шу жумладан:

Фарғона «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси — 150 тонна хлорат-магний дефолианти,

Навоий электрохимия заводи — 50 тонна которан, 20 тонна акрекс.

Олмалиқ химия заводида олтингугурт кислотаси ишлаб чиқарадиган ва Фарғона «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида аммиак ишлаб чиқарадиган янги қувватларни тезроқ ўзлаштириб, шу корхоналарда қўшимча равишда 40 минг тонна олтингугурт кислотаси ва 10 минг тонна аммиак ишлаб чиқарилади ҳамда шу йил билан олинган социалистик мажбурият ҳажмида 40 минг тонна минерал ўғит ишлаб чиқарилади.

Улар 1982 йилда қишлоқ хўжалигида юксак марраларга эришиш соҳасидаги умумхалқ вазифасини бажаришга муносиб ҳисса қўшишга интилиб, колхоз ва совхозларга 1 августгача, ғалла энг яхши агротехника муддатларида пландан ташқари 150 минг тонна минерал ўғит етказиб берадилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Фарғона «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Олмалиқ ва Самарқанд химия заводлари, Қўқон суперфосфат заводи, Навоий электрохимия заводи коллективларининг СССР ташкил этилган кунинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш ва 1982 йилда минерал ўғит ҳамда ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситалари ишлаб чиқариш топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан социалистик мажбуриятларни маъқуллади.

Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона область партия комитетларига, Навоий, Чирчиқ, Самарқанд, Олмалиқ, Фарғона, Қўқон шаҳар партия комитетларига минерал ўғит ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг бошланғич партия ташкилотларига ва коллективларига меҳнаткашлар ўртасида ғоявий-тарбиявий ишни ошириш, олинган юксак мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани авж олдиришда, кадрлар билан таъминлашда, меҳнаткашларнинг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитларини яхшилашда ҳар томонлама ва доимий ёрдам бериш таклиф қилинди.

«Электрохимпром», «Навоиазот», Фарғона «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаларининг, Олмалиқ химия заводи, Самарқанд химия заводи, Қўқон суперфосфат заводи, Навоий электрохимия заводининг раҳбарларига ва партия ташкилотларининг секретарларига мавжуд қувватлардан янада тўлароқ фойдаланиш, янги ишга туширилаётган ишлаб чиқаришларни жадал ўзлаштириш, ҳом ашё ва материал сарфи улушини қисқартириш, энергетика ресурсларини тежаб-тергаш ҳисобига 1982 йил планларининг ва олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш топширилди.

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги, «Союзузбекгазпром» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмаси минерал ўғит ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналарни электр ва иссиқлик энергияси, газ билан маҳсулот ишлаб чиқариш ва олинган социалистик мажбуриятлар ҳажмида узлуксиз таъминлаб туришлари лозим.

Ўрта Осиё темир йўли бошқармасига хом ашё ташиб келтириш ва тайёр маҳсулотни жўнатиш учун ва корхоналарнинг талабномаларига мувофиқ ҳаракат составини мунтазам равишда ва ўз вақтида ажратиб бериш; Ўзбекистон ССР Госснабига минерал ўғит ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналарга моддий техника ва хом ашё ресурсларини биринчи навбатда етказиб бериш тавсия этилди.

Республика Госпланига минерал ўғит ишлаб чиқарувчи корхоналарда иш олиб бораётган Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигига, шунингдек Қурилиш министрлигига, Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигига, «Средазхимремстройтрест» трестига тегишли тавсиялар берилди.

Ўзбекистон ССР Меҳнат ресурслари ва иш ҳақи давлат комитетига минерал ўғит ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг талабномаларига биноан ишлаб турган ва янги ишга туширилган қувватларни кадрлар билан биринчи навбатда таъминлаш таклиф қилинди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети минерал ўғит ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналар қурилишида, уларни реконструкция қилиш ва қувватларини ўзлаштиришда комсомол ҳамда ёшларнинг актив иштирок этишини таъминласин, шу объектларга ёшларни комсомол йўлланмалари билан юборибтурсин.

Республика Савдо министрлигига, Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Бухоро область ижроия комитетларига, Навоий кон-металлургия комбинатининг ишчилар таъминоти бошқармасига ҳамда корхоналарнинг раҳбарларига меҳнаткашларнинг умумий овқатланишини яхшироқ ташкил этиш, кечки ва тунги сменаларни иссиқ овқат билан таъминлашга алоҳида эътибор бериш, ошхоналарни зарур турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва улардан оқилона фойдаланиш топширилди.

Республика, область ва шаҳар газеталарининг редакциялари, Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшитириш давлат комитети минерал ўғит ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг коллективлари олган социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётганини батафсил ёритиб туришлари, энг яхши коллективларнинг, новаторларнинг ва ишлаб чиқариш илғорларининг иш тажрибасини пропаганда қилишлари керак.

СССР 60 ЙИЛЛИГИГА—60 ЗАРБДОР ҲАФТАЛИК



«Совет Ўзбекистони»нинг мусобақадошлар давраси

ЯГОНА МАҚСАД ЙЎЛИДА

Урганч—Тошовуз: автомобилчилар беллашуви

Хоразм области маркази Урганч шаҳри билан Туркманистон ССР Тошовуз шаҳри саноат, қурилиш ва транспорт ходимлари ўртасидаги социалистик мусобақа анъанага айланган. Қардошлар мусобақасининг бу йилги шиори — ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажариш ва СССР 60 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олишдан иборат. Ана шу ягона мақсад йўлида зарбдорчасига меҳнат қилаётган, ишлаб чиқаришда юксак самарадорлик ва сифат учун курашаётган илғор коллективлар қувончли ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

— Мусобақа шартларини қандай бажаряпсиз?

Мусобақадош икки транспорт корхонаси пешқадам ишчиларининг бу саволга берган жавоблари қуйида келтирилади:

Режалар амалда

Коллективимиз юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилиб, белгиланган режалар амалда рўёбга чиқарилишига эришяпти. Шу йилнинг учинчи квартали якунига кўра корхонамиз социалистик мусобақада ғолибликни эгаллаб, Тошовуз шаҳар партия комитети ва халқ депутатлари Совети ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга муяссар бўлди. Бизни байроқ билан тақдирлагани учун қардошларимизга катта раҳмат айтибгина қолмай, мукофот ва ишончни меҳнат билан оқлашга астойдил ҳаракат қилмоқдамиз.

Йиллик планни Улуғ Октябрь байрамигача бажаришга сўз берган эдик. Корхонамиз коллективи ваъдага вафо қилди. 960 минг тонна юк ташиб бериш юзасидан белгиланган план ошириб бажарилди, тонна-километрлар бўйича топшириқ 110 процент қилиб адо этилди.

Ўтган ойларда иқтисодий кўрсаткичлар яхшиланди, ишда самарадорлик ошди. Ялпи даромад планда кўзда тутилган 673 минг сўм ўрнига 810 минг сўмни, соф фойда 115 минг сўм, ўрнига 147 минг сўмни ташкил этди, рентабеллик 11,7 процент ўрнига 14,9 процент ошиши таъминланди. Автомобиль паркидан фойдаланиш коэффициенти пландагидан 4 процент юқори бўлди.

Илғор бригадалар ва транспорт ҳайдовчилари йиллик топшириқларни барвақт уддалаб, 1982 йил ҳисобига меҳнат қилмоқдалар. Полвонназар Сотимов, Қурбонбой Ниёзматов раҳбарлик қилаётган хўжалик ҳисобидаги бригадаларнинг муваффақиятлари, айниқса, салмоқлидир. Ўн биринчи беш йилликда икки беш йилликни бажаришга аҳд қилган шоферларнинг кўпчилиги графикдан ўзиб ишламоқда. Мен ўзим ўн бир ой ичида икки йиллик план миқдорида юк ташиб бердим. Мусобақадошим Шермат Отажонов ҳам икки йиллик топшириқни бажариш арафасида турибди.

Корхонамиз область автомобиль ва тош йўллар қурилиши объектларига юк ташиб беришга ихтисослашган. Механизмларнинг бекор туришига чек қўйиш, қурувчиларни маҳтал қилмаслик ва иш вақтидан самарали фойдаланишда бригада пудрати усули қўл келмоқда.

Беш йилликнинг биринчи йилини яхши натижалар билан якунлаш, йил охиригача планга қўшимча равишда 150 минг тонна юк ташиб бериш — корхонамиз коллективининг қатъий аҳдидир. Биз бу шарафли мажбуриятни адо этиш йўлида куч-гайратимизни аямаймиз.

Мусобақадош туркман ҳамкасбларимизнинг меҳнат зафарлари кўпайишига чин дилдан тилакдошмиз.

Эгам РАЖАБОВ,
Урганчдаги 10-автомобиль транспорти корхонаси шофери, шаҳар партия комитети аъзоси.

Дадил қадамлар

Халқ хўжалиги тараққиётининг ҳозирги жадал суръатлари, айниқса, капитал қурилиш миқёси тўхтовсиз кенгайиб бораётганлиги транспорт ходимлари олдига янгидан янги масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Автомобиль паркимизнинг қуввати йилдан-йилга ошиб, юк обороти ҳажми ортиб бормоқда.

Корхонамиз шу йилнинг ўн бир ойи мобайнида 3 миллион тоннага яқин юк ташиб, халқ хўжалик планини анча ошириб бажарди. Бу — планда кўзда тутилганидан қарийб 400 минг тонна кўпдир. Тонна-километрлар бўйича план 102 процент, рентабелликни ошириш плани 135 процент адо этилди. Юк кўтариш коэффициенти 102 процентга етказилди.

Саҳат Мамиев, Дарёбой Аҳмедов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадалари йиллик планлар бажарилганлиги тўғрисида яқинда рапорт беришди. 47 шофер Улуғ Октябрнинг 64 йиллиги кунигача йиллик шахсий мажбуриятини уддалади. Мен 1 декабргача икки йиллик топшириқни адо этдим. Мусобақадошим Эгам Жумашиёзов, Омон Йўлдошев каби илғор шоферлар юк ташишда юқори кўрсаткичларга эришиш билан бирга ёнилғини ва мойлаш материалларини тежашда ҳам касбдошларига ибрат бўлмоқдалар. Улар ҳозир 1982 йил ҳисобига юк ташимоқдалар.

Автомобиль ҳайдовчилари муваффақиятининг «сири» ҳақида гап борадиган бўлса, бу «сир» аниқ ва равшан: транспортни авайлаб сақлаш, унинг бекор туришига йўл қўймаслик, транспорт ҳаракати қоидаларига қатъий амал қилиш лозим. Бу сўзларни мен ўз тажрибамга асосланиб айтяпман.

Кези келганда, хоразмлик ҳамкасбларимиз билан ўзаро социалистик мусобақа умумий ишимиз учун катта манфаат келтираётганлигини таъкидлашни истардим. Биз вақти-вақти билан тажрибаларимизни ўртоқлашиб турамиз, мажбуриятлар қандай бажарилаётганлигини ўзаро текшириш вақтида чуқур таҳлил қиламиз.

Шу кунларда корхонамиз коллективининг куч-гайрати ва ташаббуси ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилини муваффақиятли якунлашга, йиллик планни 15 декабрга бажариш тўғрисидаги мажбуриятни адо этишга қаратилмоқда. «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафталик» шиори кундалик амалий ишимизда ўзининг жонли ифодасини топяпти. Масалан, ўзим ва кўпгина касбдошларим бир ҳафтада икки ҳафта учун белгиланган топшириқни бажаришга эришмоқдамиз. Ана шундай ишласак, бир беш йилликда икки беш йиллик план бажарилади.

Сари САПАРОВ,
Тошовуз шаҳар 3012-автотранспорт корхонаси шофери, Туркманистон ССР Олий Совети депутати.

Ривожланган социализм даврида касаба союзлари

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Ривожланган социализм шароитида совет касаба союзлари» китоби босилиб чиққанлиги марксизм-ленинизм хазинасига қўшилган йирик ижодий ҳисса, партия касаба союзларининг фаолияти тўғрисида гамхўрлик қилаётганлигининг янги ёрқин далили бўлди. 9 декабрь куни Москвада бўлиб ўтган илмий-амалий конференция қатнашчилари шуни таъкидладилар. Конференцияни ВЦСПС билан ВЦСПСнинг Н. М. Шверник номли касаба союз ҳаракати олий мактаби уюштирди.

Сўзга чиққан кишилар Леонид Ильичнинг янги асарида Ленининг касаба союзлари тўғрисидаги таълимоти янада ривожлантирилганлигини, ҳозирги босқичда касаба союз фаолиятининг назарий асосларини ва амалий вазифалари ишлаб чиқилганлигини гапирдилар.

Мазкур китоб касаба союз Советлари ва комитетларини, барча касаба союз ташкилотларининг амалий ишида бебаҳо қўлланма бўлиб қолганлиги таъкидланди. Бу китоб КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошириш учун, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажариш учун курашда касаба союзларига амалий ёрдам кўрсатади. (ТАСС).

ПАРТИЯНИНГ СОДИҚ ФАРЗАНДИ

«Партия билан халқнинг содиқ фарзанди» мавзуидаги китоб-сурат виставкасида коммунизм бинокори — совет халқининг улуғвор зафарлари, унинг планетада мустаҳкам тинчликка эришиш йўлидаги актив фаолияти ёрқин акс эттирилган. Ўртоқ Л. И. Брежнев туғилган кунинг 75 йиллигига бағишланган экспозиция 10 декабрда Москвада, ВЛКСМ 50 йиллиги номли РСФСР Давлат республика ёшлар кутубхонасида очилди.

Экспонатлар томошабинларни Л. И. Брежневнинг илмий, назарий ва адабий асарлари билан таништиради. Стендларга «Ленин йўлидан» номли саккиз томлик асарлар тўплами, партия иши, ташкилотчилик ва идеология ишининг турли жиҳатларига оид турли тематик тўпламлар, тинчлик учун курашга бағишланган материаллар қўйилган. «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўрқ» ва «Эсдаликлар» китоблари экспозицияда муҳим ўринни олган.

РСФСР Маданият министрлиги ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг ташаббуси билан тайёрланган бу виставка ёшларда Л. И. Брежнев асарларини ўрганишга актив, ижодий муносабатни шакллантиришнинг методик маркази бўлиб қолиши керак.

(ТАСС мухбири).

* * *

ЛЬВОВ, 12 декабрь. (ТАСС). Леонид Ильич Брежнев туғилган кунинг 75 йиллигига бағишланган кўргазма экспозицияси материалларида унинг ҳаёти ва фаолияти босқичлари акс эттирилган. Кўргазма бугун В. И. Ленин Марказий музейининг Львовдаги филиалида очилди.

1944 йилда 18-армия Карпат меҳнаткашларига оғирқиб кутилган озодлик келтирди. Ўша пайтда Л. И. Брежнев 18-армия сиёсий бўлимининг бошлиғи эди. Закарпатьенинг кексалари ўша пайтни яхши эслашади. Жангчилар душманга қарши шиддатли жанглар олиб бораётганликларига қарамай, аҳолига қўлларидан келган ҳамма ёрдамни қилган эдилар.

Кўргазма экспонатлари орасида ўртоқ Л. И. Брежневнинг асарлари, Коммунистик партия билан Совет давлати раҳбарининг тинчликни мустаҳкамлаш учун кураш ишига қўшган катта ҳиссаси тўғрисида ҳикоя қилувчи материаллар бор.

Деҳқон бўлсанг, шудгор қил!

Республика областларида шудгорлашнинг бориши тўғрисида шу йил 12 декабрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда шудгорланган майдон; учинчи устун — мавсум бошидан бўён (топшириққа нисбатан процент ҳисобида).

ЖИЗЗАХ	1,9	100,1
ТОШКЕНТ	—	100,0
ҚҚАССР	0,5	97,7
Сирдарё	1,5	96,7
Наманган	3,0	93,8
Фарғона	6,2	88,5
Андижон	4,8	76,6
Қашқадарё	3,9	62,8
Хоразм	1,5	56,6
Бухоро	3,1	52,6
Сурхондарё	3,1	44,0
Самарқанд	1,5	41,1
Республика бўйича:	2,7	75,2

РЕСПУБЛИКА ДАЛАЛАРИДА

ШУДГОРЛАШ ҚИЗҒИН

Чортоқ районидаги «Москва» колхозининг механизаторлари ерни шудгорлашга графикдаги 15 кун ўрнига ўн уч кун сарфладилар. 800 гектар ернинг ҳаммаси тупроққа минерал ўғит солиш билан бирга чуқур ҳайдалди.

Ипатоволиклар методи ишларни тез бажаришга ёрдам берди. Механизациялашган 3 та отряд кеча-кундуз ишлаб турди. Механизаторларнинг ҳар бири смена топширигини анча ошириб бажарди. Тракторчилардан И. Саидолимов, Э. Абдурахмонов, А. Иброҳимов ва О. Турдиевлар ҳар куни нормадаги 5 гектар ўрнига 8 гектардан ерни ҳайдадилар.

ЧЎЛ ЧЕКИНМОҚДА

Сирдарё районидаги «Ленинград» колхозининг пахтакорлари келаси йили гектар бошига олинадиган пахтани 4 центнер кўпайтиришни мақсад қилиб қўйдилар.

Хўжаликда ҳосилдорликни оширишда сувчилар муҳим роль ўйнайди. Ҳозир улар штоб билан шўр ювмоқдалар. Омон Полвонов ва Аскар Жубоев энг кўп иш унумига эришмоқдалар. Улар бир кунда 1,5 гектар ернинг шўрини ювмоқдалар. Бу нормадан анча кўпдир.

ҚИШКИ ЭКИНЛАР

Жиззах чўлининг сабзавот далалари ям-яшил тусга кирди. Бу ерда кузги карам, пиёз, серимсоқпиёз, сабзи, хўраки лавлаги униб чиқди. Жиззах областининг хўжаликлари бундай экинлар майдонини бултургига нисбатан анча кенгайтирдилар. Деҳқонлар эрта кўкламдаёқ мўл сабзавот ҳосили олишни мўлжаллаб турибдилар.

Шу мавсумда республиканинг колхоз ва совхозларида кузги сабзавот учун 9,5 минг гектар — бултургидан 3,5 минг гектар кўп ер ажратилди. (ЎзТАГ).

КОММУНИЗМ БИНОКОРЛАРИНИНГ ҒОЯВИЙ БАЙРОҒИ

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ «ЛЕНИН ВА ЛЕНИНИЗМ ҲАҚИДА» КИТОБИ БОСИБ ЧИҚАРИЛГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Тарих унар-унмасга юқори баҳо беравермайди. У умумий мақсад учун меҳнат қилиб, ном чиқарган ва энг кўп кишиларга бахт келтирган инсонларнигина чинакам улуғ ва бахтиёр деб тан олади. Еш Маркснинг шу фикрини давом эттирсак, жамики меҳнаткаш инсониятнинг орзусини ўзига мақсад қилиб олган, бутун ер юзидаги юз миллионлаб меҳнаткашларга бахт-саодат келтирган Владимир Ильич Ленин тарихда мислсиз ном чиқарди ва ўз тақдири билан мислсиз бахтиёр бўлди, деб айтиш мумкин.

Ленининг инсоният тақдирига таъсири беқиёс улуғдир. У ўз умрини бағишлаб дунёни революцион тарзда қайта қурганлиги беқиёс улуғ ишдир. Ленининг номи цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажаги билан бир бутун бўлиб қўшилиб, унинг социалистик даври бошланганидан дарак берди. Ленининг таълимоти ва революцион фаолияти эса умуминсоний билим ва тажриба хазинасига улуғвор ҳисса бўлиб қўшилганлиги ҳақли равишда тан олинди.

Шу сабабли Ленин ҳақидаги, унинг иши ва таълимоти ҳозирги даврда ривожлантирилаётганлиги тўғрисидаги ҳар бир сўзга, ҳар бир асарга ғоят эҳтиёж сезилмоқда, юксак эътибор билан қараладиган бўлмоқда. Шундай бўлса ҳам, ушбу ҳолатда қизиқиш ҳам, эътибор ҳам алоҳида бўлади, деб тўла ишонч билан айтиш мумкин. Чунки Ленин ва ленинизм ҳақидаги янги китобнинг муаллифи ҳозирги замоннинг энг атоқли сиёсат ва давлат арбоби, Ленин революцион ишининг толмас давомчиси, тинчлик учун курашчи, деб бутун дунё ардоқлаётган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Л. И. Брежневдир.

Унинг Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарган китоби В. И. Ленин ҳақида, унинг таълимоти тўғрисида фикрлар айтилган мақолалар, нутқлар, докладларнинг тўла-тўкис ёки айрим қисмлари киритилган тўпламдан иборат. Бу материаллар ҳар хил вақтларда, турли сабаблар билан тайёрланган. Аммо уларнинг ҳаммасида бир муддао, бир мужассам фикр ифодаланган: улар КПССнинг ўз асосчиси ва йўлбошчиси васиятларига астойдил содиқлигини, ленинизмнинг кучи ва жаҳоншумул-тарихий аҳамиятини, совет халқи, қардош социалистик мамлакатларнинг коммунистик эътиқодини, принципиаллигини, ғоявий матонатини, меҳнаткашлар ишига садоқатини Ленин таълимотига қараб текширадилар. Ўз муваффақиятлари ва режаларини, ҳозирги совет жамияти турмушининг ўзини Ленинга қиёс қиладилар.

Совет нашриларигна эмас. Ҳозир биз Ленин образи ва ғояларининг жаҳон тарихига зўр таъсирини мислсиз даражада равшан ҳис этиб турибмиз. Ильич барча мамлакатлар пролетарларининг фикри-зикрини ўзига ром қилди, замонамиз революционерлари учун билим ва илҳом манбаи бўлиб қолди. Бу — ленинизм интернационал характерининг энг яққол далилидир. «Ленинни Маркса, ленинизмни марксизмга қарама-қарши қўйишга, ленинизмни фақат руслларга хос миллий ҳодиса деб тасвир лашга буржуа ва ревизионист идеологлар қилган уринишларни тарих тажрибаси бутунлай чиппакка чиқарди», деб ўқтирилади китобда (117-бет).

Ленин бизга ҳозирги даврда жаҳон революцион жараёнининг мунтазам концепциясини қолдирди, икки системанинг кураши бу концепциянинг ўзагидир. Ў яратган таълимот ҳақли равишда ҳозирги даврнинг, инсоният капитализмдан социализмга ўтаётган ва коммунистик жамият қурилаётган даврнинг марксизми, деб тан олинди. Ленинизм — бутун меҳнаткаш инсониятнинг маънавий бойлигидир.

* * *

В. И. Ленин вафотидан кейин ўтган вақт ичида ҳаёт анча илгарилаб кетди, кўп нарса ўзгарди. Ўша йилларда ҳатто фаҳмлаш ҳам қийин бўлган кўпдан кўп янги ҳодисалар ва проблемалар пайдо бўлди. Бироқ, социализм ривожининг Ленин очган қонуниятлари ҳозир ҳам шу проблемаларни тушуниш ва ҳал этиш калитини бермоқда. Ленин солиб берган йўлдан бораётган совет халқи инсоният энг заковатли намояндаларининг озодлик ва адолат тўғрисидаги орзу-умидларини ривожланган социализмнинг ажойиб реалликларига айлантирди.

Тарихан жуда қисқа муддатда бутун-бутун даврларнинг марралари бирин-кетин босиб ўтилди. Индустриалаш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, маданий революция, социализм асослари барпо этилганлиги, социализм асосан қурилганлиги, гитлеризм устидан қозонилган ғалаба, уруш натижасида вайрон бўлган хўжалик қайта тикланганлиги, жаҳон социалистик системасининг ташкил топганлиги, илм-фан соҳасидаги улуғвор ютуқлар, социалистик турмуш тарзи, кишиларнинг янги тарихий бирлиги — совет халқи қарор топганлиги, умумхалқ давлати барпо этилганлиги, ривожланган социализм чўққилари забт этилганлиги — совет халқи ғалабасидан, ўзининг ҳаётидан ҳеч ҳам ажабланмаяпти, ишчилик касбини ардоқлаш, тоғ-ишларини ишга масъулиятни ошириш сингари энг яхши фазилатларни сингдиришяпти. Яна бир мисол. Носир Умархўжаевнинг бирлашмага келганига ҳадемай 20 йил тўлади. У ҳақиқий моҳир ишчи сифатида донг қозонган. Носир ака ўзининг бой тажрибасини ёш ишчи Ориповга эринмай ўргатди. Нигитча армияга кетгач, хизмат муддати тугаганда яна жонажон цехига қайтиб келди.

— Носир акадан жуда ҳам миннатдорман, — дейди У. — У менга меҳнатни севишга ўргатди, ҳаётдан ўз ўрнимни топиб олишимга кўмаклашди.

Бундай ғамхўр, меҳрибон устозлар бирлашмада ўнлаб, юзлаб топилади. Уларнинг интилиши, фидокорлиги туфайли корхонада янги-янги ташаббуслар, ватанпарварлик ҳаракатлари вужудга келмоқда. Ғап буларнинг илгари бошқа корхоналарда дунёга келганида эмас. Энг муҳими, тошкентлик тикувчилар меҳнат унумдорлигини кўтариш учун зарур барча имкониятлардан, ва резервлардан фойдаланаётганларида. Бир беш йилликда ўн йиллик нормани бажариш ҳаракатини олайлик. Энг яхши чеварлардан Ҳалилова, Болтаева, Новосельцова ва Закритнаялар корхонада биринчилар қаторида «Ўн бешлар ташаббуси»га қўшилишганда ҳеч ким ажабланмади. Чунки, улар бир сўзли ишчилар. Буни амалда неча марталаб исбот қилишган. Ҳозир издошларнинг меҳнат календарида — 1982 йилнинг охири.

Менга корхона план бўлимида бир неча рақамни кўрсатишди. У корхона коллективининг ўтган уч кварталидаги иш якунларини ифодаларди. Маҳсулот реализация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, «Янгилик» индекси билан маҳсулот ишлаб чиқариш сингари асосий техникавий-иқтисодий кўрсаткичларнинг ҳаммаси ошириб бажарилган эди.

— Биз бундай муваффақиятларга «Минглар шартномаси» туфайли эришяпмиз, — дейишди корхона раҳбарлари. —Шунинг учун ҳам коллективимиз уни ривожлантириш ва такомиллаштириш йўлидан бораверади.

А. БУХОРБОЕВ.

билимнинг аслида ҳамма жиҳатларини қамраб олганини кашф этадилар. Унинг отаси революционер, беназир ташкилотчи, қатъиятли ва жасур сиёсатчи, муҳташам социализм биносининг меъмори ва бинокори эканини кашф этадилар. Унинг энг улуғ, толмас меҳнатчи эканини кашф этадилар.

Одамлар Ленининг ҳақиқий инсон эканини беқиёс эзгу ва юксак туйғу билан ўзлари учун кашф этадилар. Камтарилик ва одамийлик, одамларга ҳурмат ва ишонч, уларнинг тақдирига шахсан қайғуриш, юксак маънодаги эҳтиёлик, дўстсеварлик ва меҳрибонлик, ёқимтойлик ва поклик, турмушга, унинг ҳақиқий бойликлари ва қувончларига сидқидилдан меҳр-муҳаббат билан қараш, аммо айни вақтда — қаттиқ принципиаллик, қатъиятлик, темир ирода, аниқлик, ишчанлик — мана шуларнинг ҳаммаси Владимир Ильичнинг сиймосида ва иш услубида узвий равишда омухта бўлиб кетган.

Ўртоқ Л. И. Брежнев китобининг ҳақиқий инсон бўлмиш Ленинга бағишланган саҳифалари китобхонни Ильичнинг назарий ва сиёсий меросигина эмас, шу билан бирга маънавий мероси ҳам сўнмас аҳамиятга эгадир, деган фикрга олиб боради. «Ленин революция байроғи, партиямизнинг асосчиси, дунёда биринчи социалистик давлатимизнинг бинокори бўлганлиги учунгина бизга азиз бўлиб қолмай, унинг ўткир ижодий зеҳни ва енгилмас мантиқи, таҳлил этиш теранлиги, хулоса чиқариш ва ҳаракат қилиш қадиллиги, революционерларга хос толмас эҳтироси ва шу билан бирга улуғвор одамохунлиги, одмилиги ва сезгирлиги — мана шуларнинг ҳаммаси турмушда биз учун йўлчи юлдуз, ҳозирги ишларимизда бебаҳо таянч ва мададкор эканлиги учун ҳам, эҳтиромлик, айниқса, шунинг учун ҳам, бизга азиз ва яқиндир», (240-бет). Совет кишилари ўзларининг коммунистик эътиқодини, принципиаллигини, ғоявий матонатини, меҳнаткашлар ишига садоқатини Ленин таълимотига қараб текширадилар. Ўз муваффақиятлари ва режаларини, ҳозирги совет жамияти турмушининг ўзини Ленинга қиёс қиладилар.

Совет нашриларигна эмас. Ҳозир биз Ленин образи ва ғояларининг жаҳон тарихига зўр таъсирини мислсиз даражада равшан ҳис этиб турибмиз. Ильич барча мамлакатлар пролетарларининг фикри-зикрини ўзига ром қилди, замонамиз революционерлари учун билим ва илҳом манбаи бўлиб қолди. Бу — ленинизм интернационал характерининг энг яққол далилидир. «Ленинни Маркса, ленинизмни марксизмга қарама-қарши қўйишга, ленинизмни фақат руслларга хос миллий ҳодиса деб тасвир лашга буржуа ва ревизионист идеологлар қилган уринишларни тарих тажрибаси бутунлай чиппакка чиқарди», деб ўқтирилади китобда (117-бет).

Ленин бизга ҳозирги даврда жаҳон революцион жараёнининг мунтазам концепциясини қолдирди, икки системанинг кураши бу концепциянинг ўзагидир. Ў яратган таълимот ҳақли равишда ҳозирги даврнинг, инсоният капитализмдан социализмга ўтаётган ва коммунистик жамият қурилаётган даврнинг марксизми, деб тан олинди. Ленинизм — бутун меҳнаткаш инсониятнинг маънавий бойлигидир.

* * *

В. И. Ленин вафотидан кейин ўтган вақт ичида ҳаёт анча илгарилаб кетди, кўп нарса ўзгарди. Ўша йилларда ҳатто фаҳмлаш ҳам қийин бўлган кўпдан кўп янги ҳодисалар ва проблемалар пайдо бўлди. Бироқ, социализм ривожининг Ленин очган қонуниятлари ҳозир ҳам шу проблемаларни тушуниш ва ҳал этиш калитини бермоқда. Ленин солиб берган йўлдан бораётган совет халқи инсоният энг заковатли намояндаларининг озодлик ва адолат тўғрисидаги орзу-умидларини ривожланган социализмнинг ажойиб реалликларига айлантирди.

Тарихан жуда қисқа муддатда бутун-бутун даврларнинг марралари бирин-кетин босиб ўтилди. Индустриалаш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, маданий революция, социализм асослари барпо этилганлиги, социализм асосан қурилганлиги, гитлеризм устидан қозонилган ғалаба, уруш натижасида вайрон бўлган хўжалик қайта тикланганлиги, жаҳон социалистик системасининг ташкил топганлиги, илм-фан соҳасидаги улуғвор ютуқлар, социалистик турмуш тарзи, кишиларнинг янги тарихий бирлиги — совет халқи қарор топганлиги, умумхалқ давлати барпо этилганлиги, ривожланган социализм чўққилари забт этилганлиги — совет халқи ғалабасидан, ўзининг ҳаётидан ҳеч ҳам ажабланмаяпти. Чунки, улар бир сўзли ишчилар. Буни амалда неча марталаб исбот қилишган. Ҳозир издошларнинг меҳнат календарида — 1982 йилнинг охири.

Менга корхона план бўлимида бир неча рақамни кўрсатишди. У корхона коллективининг ўтган уч кварталидаги иш якунларини ифодаларди. Маҳсулот реализация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, «Янгилик» индекси билан маҳсулот ишлаб чиқариш сингари асосий техникавий-иқтисодий кўрсаткичларнинг ҳаммаси ошириб бажарилган эди.

— Биз бундай муваффақиятларга «Минглар шартномаси» туфайли эришяпмиз, — дейишди корхона раҳбарлари. —Шунинг учун ҳам коллективимиз уни ривожлантириш ва такомиллаштириш йўлидан бораверади.

А. БУХОРБОЕВ.

фий йўлни — принципларга қаттиқ туришни, тактикада эпчил бўлишни, конкрет шарт-шароитларни ҳар томонлама ҳисобга олишни, дадил ва айни вақтда пухта ўйлаб ҳаракат қилишни — мавжуд воситаларнинг ҳамма-сидан фойдаланиш маҳоратини ўргатди, биз Ленинданҳудди мана шуларни ўрганаяпмиз. «Бизнинг марксизм-ленинизмга садоқатимизга путур етказа оладиган ёки уни заифлаштира оладиган куч дунёда йўқ», — деган сўзлар бутун тўпламнинг асосий ғоясидир (14-бет).

Доҳийнинг фикри ҳамиша ўз даврида илгарилаб боради. Ленининг заковат қобилияти эса чиндан ҳам ҳайратомуздир. Максим Горькийнинг сўзлари билан айтганда, Ленин «ўз қалбининг қоқ ярмиси билан келажакда яшади». Ҳозирги кунда келажакни башорат қилишдек мана шу ажабтовур қобилият туфайли Ильич бизнинг неча ўн йиллар кейинги йўлимизни илмий заковат нури билан ёритди.

Ривожланиб борувчи ғоя, омманинг онглилиги янги жамиятда нақадар қудратли кучга айланишини Ленин неча йиллар олдиндан кўра билди. У революцион назарияни камситишга, унинг ижодий характерини пучайтиришга, уни тайёр рецептлар йиғиндисидан иборат қилиб қўйишга қарши тинимсиз курашди. Натижада маркечи-ленинчи партияларнинг Ленин меросига муносабатининг ўзи шу меросининг таркибий қисми бўлиб қолди.

Назарияга ленинча, новаторларча ёндашиш партиямизга олий даражада хос бўлган хусусиятдир, Ўртоқ Л. И. Брежнев ўқтирибўтганидек, партиямиз «содир бўлаётган ҳамма нарсаларни идрок қилишга, турмушнинг янги ҳодисаларини умумлаштришга, марксизм-ленинизм назариясини ижодий ривожлантиришга лозим даражада эътибор бермаса, ўз ролини бажара олмайди» (323-бет).

Партиянинг назарий хазинасига қўшилган муҳим умумлашмалар ва хулосалар китобхоннинг кўз ўнгида яқол намоён бўлади. Аввало ривожланган социализм концепцияси мана шундай муҳим умумлашмалар ва хулосалар жумласига киради. Партия шу концепцияга таяниб, программавий мақсадларимизни рўёбга чиқариш йўллари ва муддатларига аниқлик киритиб, уларни конкретлаштириб олди, олис тарихий даврга мўлжалланган стратегия ва тактикани белгилади (324-бетга қаранг). СССРнинг янги Конституциясини тайёрлаш соҳасида жуда катта назарий иш қилинди, Ленин анъанасига мувофиқ партия бу Конституцияни юридик ҳужжат деб гина эмас, шу билан бирга жуда муҳим сиёсий ҳужжат деб, коммунизм қурилишининг қудратли қуроли, деб билмоқда (246-бет). Партия совет жамиятида содир бўлаётган социал жараёнларни тадқиқ қилиш, ундаги барча синф ва социал группаларни муттасил ўзаро яқинлаштириш туфайли етук социализмнинг бош ва асосий тарихий донраларидаёқ жамиятнинг синфсиз структурасини қарор топтириш мумкин, деган қоидани илгари суришга муваффақ бўлди (301-бет). КПССнинг ҳозир амалда бўлган Программасига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масала ўртага қўйилиб, назарий ва сиёсий жиҳатдан асослаб берилди. (325-бет). Тўпламда КПССнинг раҳбарлик ва раҳнамолик ролини ошириш, миллий муносабатларни ривожлантириш, социалистик демократияни, жамиятнинг сиёсий системасини, ғоявий-тарбиявий ишни такомиллаштириш қонуниятлари ҳам чуқур таҳлил этилган.

Ленин ғоялари нури совет халқининг, бутун инсониятнинг олга ривожланиш йўлини ёритиб турибди. Ўзининг улуғ устози васиятларига содиқ бўлган Ленин партияси шу нур янги кун билан тўлишиб ва ҳамиша турмушнинг энг муҳим проблемаларига ёғду сочиши учун зарур бўлган ҳамма ишни қилмоқда.

* * *

Янги типдаги партияни Ленининг бутун жаҳон революцион ҳаракатига, социализм ва коммунизм бинокорларига қолдирган улуғвор мероси деб атамоқдалар. Ленин бу партияни «революцион назария билан революцион практикаси чамбарчас бирлигининг олий мужассами» (113-бет) тарзида вужудга келтирди, у партияни меҳнаткаш халққа садоқат билан хизмат қилишга ўргатди, партияни ғоявий жиҳатдан шундай тайёрладики, натижада у ҳозир бутун ижтимоий системамизнинг жилпаштирувчи ўзаги, бутун совет халқининг коллектив ақл-идроки бўлиб муносиб равишда иш кўрмоқда.

Ленин ақл-заковатининг улуғ кучи, жўшқин Ленин қалбининг ҳарорати партия ишларида яшаб келмоқда. Бу ишлар эса улуғвор бўлиб, ўз кўлами, мураккаблиги, аҳамияти жиҳатидан тобора ўсиб бормоқда. Моҳият эътибори билан олганда, партия бирон-бир муҳим проблемани ўз эътиборидан четда қолдира олмайди.

Партия совет халқининг коллектив йўлбошчиси бўлишдек ўзининг юксак вазифасини муносиб ўташ, оммани Ленин йўлидан комил ишонч билан аниқ бошлаб бориш учун ўзининг жанговарлик қобилиятини, кучқувватини ошириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиши керак. Партиянинг халқ билан чамбарчас, узвий алоқаси, халқнинг партияга ишончи бу куч-қувватнинг бош манбаи эканини ўртоқ Л. И. Брежнев неча марталаб уқтириб ўтмоқда. КПСС ўзининг омма билан бирлигини кўз қорачиғидек ардоқлаб, асрамоқда, бу бирликни мустаҳкамлаш учун ҳамма ишни қилмоқда. «Жамиятнинг етакчи кучи бўлиш роли ўз-ўзидан келиб қолмаслигини биз ҳам ўтмиш тажрибасидан, ҳам ҳозирги тажрибадан яхши биламиз, — дейилади китобда. Бу роль меҳнаткашларнинг манфаатлари учун доимий, тинимсиз кураш жараёнида ҳосил қилинади, курашиб қўлга киритилади. Партия ўзининг халқ оммаси билан алоқасини доимо мустаҳкамлаши, унинг талаб ва эҳтиёжларини ўйлаб ишаши туфайли бу роль мустаҳкамланаверади». (328-бет).

Партиянинг ўз ҳолати, мустаҳкамлиги, партия сафларининг сифати унинг жанговарлик қобилияти учун нақадар катта аҳамиятга эга эканлиги тўплам саҳифаларида яққол ва ишонарли тарзда кўрсатилган. «Коммунистик партия, — деб таъкидлайди муаллиф, — бир хил фикрдаги кишиларнинггина партияси бўлиб қолмай, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилувчиларнинг ҳам партиясидир». (48-бет).

Партия оммани революцияга бошлаб бораётганида ҳам, у оммага бош бўлиб социалистик жамият қуриш учун курашаётганида ҳам, коммунизм қурилишини кенг авж олдириш даврида ҳам унга мустаҳкам, онгли интизом зарурлигини тажриба очиқ-ойдин кўрсатиб турибди.

Партия ўз роли, ўз масъулияти нақадар катталигини яхши тушунади. Пролетар, социалистик интернационализм байроғига астойдил садоқатли КПСС халқ манфаатлари йўлида, коммунизм ва тинчлик манфаатлари йўлида «ўзининг бутун тарихи давомида, ўз вазифаларини қандай садоқат ва фидокорона бажариб келган бўлса, улуғ Ленин бизга қандай васият қилган бўлса, шундай садоқат ва фидокорлик билан бажараётир». (50-бет).

* * *

Ленин инсоният тарихида биринчи бўлиб илмий коммунизм назариясини давлатнинг ташқи сиёсатини юритиш практикаси билан бирлаштирди. Ленин фикри ва Ленин ишининг мана шу қотишмасидан халқаро майдондаги социалистик йўлнинг принципиал ва методлари вужудга келди, унинг шогирдлари ва издошлари шу принципларга ва методларга амал қилиб келмоқдалар. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг китобида шу принциплар ва методларга катта ўрин берилган.

«Ҳозир мураккаб ва зиддиятли тенденцияларга эга бўлган халқаро вазиятда, — деб ёзади муаллиф, — ленинча ташқи сиёсат принципларини биз учун йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилмоқда. Бу сиёсат принципиал позицияларни ҳимоя қилишдаги қатъияти билан, жаҳон сиёсатининг халқлар тақдирига дахлдор бўлган энг муҳим масалаларига чуқур масъулиятли ёндашиши билан, музокараларга ва бир битимга келишга тайёрлиги билан, амалий масалаларни ҳал этишдаги эпчиллиги билан ажралиб турибди». (8-бет).

Эндиликда СССР Конституциясида мустаҳкамлаб берилган шу сиёсатни чинакам ленинча изчиллик ҳам ажратиб турибди. Тинчлик учун кураш йилдан йилга, ўн йилликдан ўн йилликка, нисбатан қулай ва мураккаб халқаро шароитларда ҳам КПСС ташқи сиёсатининг ўзаги бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва шундай бўлиб қолаверади. Шу жиҳатдан олганда сўнгги йиллар айниқса ибратлидир. «Кейинги йилларда, эҳтимол, ҳеч бир давлат Совет Иттифоқи қилганидек инсонлар олдида халқаро муносабатларнинг энг муҳим проблемалари юзасидан шу қадар кенг конкрет ва реалистик ташаббуслар билан чиқмаган бўлса керак», — деб ёзади ўртоқ Л. И. Брежнев. (291-бет).

Бизнинг ташқи сиёсатимиз ўз мазмуни ва мақсадлари жиҳатидан синфий, социалистик сиёсат бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва шундай бўлиб қолади. Айни шу сиёсатнинг социалистик характери унинг тинчликсеварлигини белгилаб беради.

Ҳозир халқаро муносабатларда партиямиз, халқимиз учун, ер юзидаги барча халқлар учун ҳам тинчликни қаттиқ туриб ҳимоя қилишдан кўра муҳимроқ вазифа йўқ.

Бу — улуғ ва ғоят олижаноб вазифадир! Афсуски, бу — энг қийин вазифа ҳамдир. «Халқларнинг бирга тинч яшаши» душманлари ҳали ҳам оз эмас. В. И. Ленин ўз даврида Совет давлатининг биринчи жаҳон урушини тугатиб учун кураштирдаги вазифаларини назарда тутиб, бундай деб ёзган эди: «Кимки сулҳга эришиш осон нарса, сулҳ ҳақида оғиз очилган ҳамон буржуазия бизга сулҳни лаганда келтириб беради, деб ўйлаган бўлса, у киши батамом ғўл кишидир» (35-том, 129-бет). Ленининг бу фикри ҳозир ҳам актуалдир.

Халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш соҳасидаги тарихий курашда социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари Ватанимиз билан ёнма-ён турибди. Айни социалистик давлатлар коммунистларнинг идеологияси, улар олиб бораётган курашнинг улуғ ва олижаноб мақсадлари юзага келтирган ва илгари мисли кўрилмаган янги принципларга ҳамда нормаларни халқаро турмушга киритганликларини ўртоқ Л. И. Брежнев кўрсатиб беради (137-бет).

Ленин, деб уқтирилади тўпламда, ҳамиша социалистик мамлакатнинг миллий вазифалари билан интернационал вазифаларини чамбарчас боғланган бир нарса деб билар эди. У партиямиз билан халқимизни «социалистик Ватан учун, Ватан тариқасидаги социализм учун, бутун дунё социализм армиясининг отряди бўлган Совет республикаси учун» (36-том, 93-бет) курашишга чақирди. Ў биринчи социалистик давлатни сақлаб қолишни коммунистларнинг, барча меҳнаткашларнинг интернационал бурчи деб, жаҳон пролетариати учун келажакка очилган йўлни сақлаб қолиш, деб билди. Ҳозир социалистик мамлакатлар бу бурчни биргаликдаги куч-ғайратлар билан бажариб, бир-бирларини қўллаб-қувватламоқдалар. Ўз ҳамкорликларини ривожлантирмоқдалар, қардош мамлакатлардан ҳар бирининг манфаатларини умумий манфаатлар билан ғоят тўғри қўшиб олиб боришга интилмоқдалар, халқларнинг социалистик ғалабаларини ҳимоя қилишни қатъият билан таъминламоқдалар.

Марксизм-ленинизм таълимоти билан қуролланган коммунистлар дунёда содир бўлаётган жараёнларнинг моҳияти ва истиқболини ҳаммадан кўра чуқурроқ ва ҳаммадан кўра тўғрироқ кўриб турибдилар, бундан ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг демократия, тинчлик, социализм ва коммунизм йўлидаги манфаатлари учун ўз кураши йўлида тўғри хулосалар чиқариб олмоқдалар — КПССнинг халқаро фаолияти масалаларига бағишланган тўпламдан материалларидан келиб чиқадиган энг муҳим хулоса мана шу.

* * *

Ўртоқ Л. И. Брежнев ўз китобига ёзган сўзбошида унинг вазифасини асослаб, бундай деб уқтиради: «Маркс-Энгельс-Ленининг улуғ таълимоти, Ленин тафаккури, Ленининг ижтимоий ривожланишни таҳлил этишдаги теранлиги ва олисни кўра билиши, Ленин методи, унинг иш услуби унинг улуғ ишини давом эттирувчи ҳамма кишилар учун ҳозирги ҳаётни тушунишда, бизнинг давримизда социализм учун курашчилар олдида, социализм ва коммунизм бинокорлари олдида пайдо бўладиган проблемаларни ҳал этишда сўнмас машъал, ишончли йўл-йўриқ, доно маслаҳатчи бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва ҳамиша шундай бўлиб қолади». (3- 4-бетлар).

Дарҳақиқат, партия билан халқнинг ҳамма ишларига манғу бархаёт Ленин тафаккури нур сочиб турибди. Владимир Ильич Ленининг улуғ жасорат билан тўлиқ ҳаёти ва фаолиятини, КПСС, совет халқи революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарини ўрганиш меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашнинг асоси, ғоявий эътиқоднинг, синфий онглиликни шакллантиришнинг қудратли воситасидир.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Ленин ва ленинизм ҳақида» китоби ҳам илмий коммунизм назариясига, Советлар мамлакатида вужудга келтирилаётган Ленинномага янги катта ҳисса бўлиб қўшилиб, айни шу мақсадларга жуда яхши хизмат қилади.

(«Правда» газетасининг 12 декабрдаги редакцион мақоласи).

«Минглар шартномаси» — ҳамкорлик шартномаси

НИЯТ АНИҚ БЎЛСА...

ТОШКЕНТДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ 50 ЙИЛЛИГИ НОМИДАГИ ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАЖРИБАСИДАН

Қуёш нурида ял-ял товланаётган қизил байроқ флагшток бўйлаб аста-секин кўтарила бошланди. У маълум нуқтага етгач, майин шаббодада хилпирай кетди. Ҳаммаёқни гулдурос қарсаклар коплади. Бундай тантанани — социалистик мусобақада ғолиб чиққанлар шарафига байроқ кўтариш маросимини Тошкентдаги Ленин орденли Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида тез-тез кузатиш мумкин. Мен корхонага борганимда эркаклар камзулини тикувчи чеварлар бригадаси бошлиғи Нурия Носировани шарафлаб, байроқ кўтарилаётган экан.

Бирлашмада мусобақа ҳам ишчилар, ҳам бригадалар ўртасида ташкил этилган. Ишчиларнинг ўзаро беллашувига ҳар куни якун ясалса, бригадалар ўртасидаги меҳнат беллашуви ғолиби ҳар ўн кунда аниқланади. Сўнгги ўн кунликда мастер Н. Абдурашидованинг бригадаси топшириқларни 107,5 процент адо этиб, ҳаммадан ўзиб кетди.

Бирлашма корхоналарида «Минглар шартномаси» мусобақасини ривожлантиришга катта эътибор бериляпти. У «Ўзаро ижодкорликдан — юксак сифатга» шиори остида ўтмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мусобақа турдош корхоналар билан шартномалар тузишдан бошланган. Бундай битимлар Краснохолмск камвол комбинати, Литва ССРдаги «Нямунас» жун газламалар фабрикаси, Иваново камвол комбинати, Тошкент тўқимачилик ва Маргилон шойи комбинатлари, Тошкентдаги «Учқун» тўқимачилик-атторлик бирлашмаси каби хом ашё етказиб берувчи бир қатор корхоналар билан имзоланган. Бирлашмада олинаётган хом ашёнинг ниҳоятда сифатли бўлишига алоҳида диққат-эътибор қилинади. Сифатни бошқариш хизмати ходимлари олинган хом ашёнинг давлат стандарти талабларига жавоб бериши ёки бермаслигини омбордалигидаёқ синчиклаб текширишади. Паст навли маҳсулотларни ўша заҳоти бракка чиқаришади. Масалан, яқинда Тбилиси камвол комбинатидан келган хом ашёнинг ҳаммаси сифатсиз деб топилиб, орқасига қайтариб юборилди.

Бирлашмада «Минглар шартномаси» яқада тараққий этиб, у «Аъло тайёрланди — аъло сотилди» шиори остида «Ҳамкорлик шартномаси» тусини олмоқда. Тикувчилик бирлашмаси коллективи бу соҳада қатор тадбирларни амалга ошираётир. Тошкентдаги Марказий универмаг, Бош универсал магазин, «Тоҳир ва Зуҳра» магазини, «Ўзбекистон» савдо бирлашмаси, «Ўзторгодежда»нинг Тошкентдаги областлараро савдо базаси билан тузилган шартномалар шулар жумласидандир.

Маълумки, тикув буюмларига бўлган талаб ва эҳтиёж тез-тез ўзгариб туради. Бугунги кунда модага айланган ва харидоргир маҳсулотлар эртага истеъмолчиларга ёқмай қолиши мумкин. Бутуниттифоқ қонъюнктура илмий-тадқиқот институти Ўзбекистон филиали ходимлари шу кунларда харидорларнинг кийим-кечакларга бўлган хоҳиш-иродаси қандайлигини аниқлаш юзасидан катта ҳажмдаги ишларни олиб боришмоқда. Филиал билан бирлашма ўртасидаги шартнома бошқа тадбирлар қатори тикувчиларга катта наф келтираётир. Буни бирлашмада олий сифат категорияли маҳсулотлар ишлаб чиқариш тобора кўпаяётганлигидан ҳам билса бўлади.

Социалистик мусобақа самарадорлигини юксалтириш, унинг конкретлилигини таъминлашда меҳнатни ташкил қилишнинг янги шакларини жорий этиш алоҳида роль ўйнаяпти. Пировард натижага қараб ҳақ тўлашнинг бригада пудрат усули чеварларга қўл келмоқда.

Мусобақа, ўртоқларча меҳнат беллашуви янги-янги илғорларнинг номини юзага чиқараётганлиги ҳаммани мамнун этмоқда. Тикувчиликда Васила Қиргизбоева бригадаси аъзолари юксак унум билан ишлаш намунасини намойиш қилаётир. Ишда аъло сифат ва кунлик топшириқларни мунтазам равишда 105—108 процентга етказиб адо этиш В. Қиргизбоева учун одат туснига айланган. Замира Бобоева раҳбарлигидаги бригада тикувчилари ҳам улардан қолишаётгани йўқ. Абдураим Ҳайдаров бошлиқ бригада коллективи шарафига ҳам бир неча марта ғалаба байроғи кўтарилди.

Корхона коллективлари ўртасидаги мусобақа шартларида мураббийлик ҳаракатини кучайтириш, ветеранлар тажрибасини ёшларга ўргатиш алоҳида банд сифатида кўрсатилган. Бу нарса изсиз қолаётгани йўқ. Бирлашмадаги энг йирик 6-тикувчилик цехида ветеран ишчилардан Райхон Абдуллаева ва Мавжуда Тўхтахўжаеваларнинг номини ҳамма ҳурмат-эҳтиром билан тилга олади. Улар ёшлар ўртасида тез-тез бўлиб, илғор иш усулларини сидқидилдан ўргатишяпти, ишчилик касбини ардоқлаш, топширилган ишга масъулиятни ошириш сингари энг яхши фазилатларни сингдиришяпти. Яна бир мисол. Носир Умархўжаевнинг бирлашмага келганига ҳадемай 20 йил тўлади. У ҳақиқий моҳир ишчи сифатида донг қозонган. Носир ака ўзининг бой тажрибасини ёш ишчи Ориповга эринмай ўргатди. Нигитча армияга кетгач, хизмат муддати тугаганда яна жонажон цехига қайтиб келди.

— Носир акадан жуда ҳам миннатдорман, — дейди У. — У менга меҳнатни севишга ўргатди, ҳаётдан ўз ўрнимни топиб олишимга кўмаклашди.

Бундай ғамхўр, меҳрибон устозлар бирлашмада ўнлаб, юзлаб топилади. Уларнинг интилиши, фидокорлиги туфайли корхонада янги-янги ташаббуслар, ватанпарварлик ҳаракатлари вужудга келмоқда. Ғап буларнинг илгари бошқа корхоналарда дунёга келганида эмас. Энг муҳими, тошкентлик тикувчилар меҳнат унумдорлигини кўтариш учун зарур барча имкониятлардан ва резервлардан фойдаланаётганларида. Бир беш йилликда ўн йиллик нормани бажариш ҳаракатини олайлик. Энг яхши чеварлардан Ҳалилова, Болтаева, Новосельцова ва Закритнаялар корхонада биринчилар қаторида «Ўн бешлар ташаббуси»га қўшилишганда ҳеч ким ажабланмади. Чунки, улар бир сўзли ишчилар. Буни амалда неча марталаб исбот қилишган. Ҳозир издошларнинг меҳнат календарида — 1982 йилнинг охири.

Менга корхона план бўлимида бир неча рақамни кўрсатишди. У корхона коллективининг ўтган уч кварталидаги иш якунларини ифодаларди. Маҳсулот реализация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, «Янгилик» индекси билан маҳсулот ишлаб чиқариш сингари асосий техникавий-иқтисодий кўрсаткичларнинг ҳаммаси ошириб бажарилган эди.

—

Чорва қишловини соз ўтказамиз

МАСЪУЛИЯТЛИ ДАВР

Чорвадорларимиз қишловни ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан ўтказишга одатланганлар. Шуни кўзлаб чорва биноларн вақтида ремонт қилинади, етарли миқдорда озуқа жамғарилиб, майдалаб қўйилади. Қиш қандай келишидан қатъий назар бир қисм ем-хашак эҳтиёт тариқасида сақланади. Чорвадорлар ва уларнинг оила аъзолари ҳақида ғамхўрлик қилинади. Мақсад биронта чорва молининг чиқитга чиқишига, маҳсулдорлигини камайтириб юборишига йўл қўймаслиқдир. Бу йил ҳам шу анъанага амал қилиб, қишловни пухта тараддуд билан кутиб олдик.

Чорва комплексимизда 640 бош қорамол, шу жумладан 200 бошдан кўпроқ сигир бор. Бу йил ҳар 100 бош сигир ҳисобига 95 тадан соғлом бузоқ олинди, тўла ўстиришга сақлаб қолинди. Буқачалар ва ғунажинлар махсус озуқа рационн асосида парвариш қилинмоқда. Буқачалар асосан сўқимга боқилади, ғунажинлардан эса сигирлар кўпайтирилади. Биз туёқ сони планини бозордан чорва моллари сотиб олиш ҳисобига эмас, балки комплексимизда етиштирилаётган ёш чорва моллари ҳисобига бажаряпмиз.

Ўтиб бораётган хўжалик йилида чорвачиликни ривожлантириш, маҳсулотларни кўпайтириш борасида муайян муваффақиятларни қўлга киритдик. Гап шундаки, биз чорва маҳсулотлари тайёрлашнинг доимо бир маромда ўсишини таъминлаймиз. Бунн қуйидаги мисоллардан кўриш мумкин. Ҳар бош сигирдан 3.000 литрдан сут согиб олишимиз керак эди. Ҳозиргача бунга эришдик. Йил якунланишига ҳали анча фурсат бор. Ҳисоб-китобдар сигир боши ҳисобига яна 600 литрдан сут олиш мумкинлигини кўрсатяпти, соғувчиларимиз шундан андоза олишиб, мусобақани кучайтиришяпти. Бир сўз билан айтганда, 600 тонна сут тайёрлаш топшириғини 640 тонна қилиб бажарамиз.

Гўшт тайёрлашда ҳам ютуқларимиз чакки бўлмади. Давлатга 47 тонна юқори семизликда гўшт топшириб, йиллик планни бажарганимизга анча бўлди. Лекин район партия ва совет ташкилотларига пландан ташқари кўплаб гўшт сотамиз деб ваъда берганмиз. Ваъдага вафо қилиш учун қўлимиздан келган ҳамма чораларни кўряпмиз. Бу йилги ютуқлардан бири шу бўлдики, гўштга топшириладиган чорва молларнинг тирик вазнини ўтган йилдагидан анча оширдик. Еки бошқачасига айтганда, ҳар бош қорамолнинг оғирлигини 437 килограммга етказиб, давлат тайёрлов ташкилотлари ихтиёрига жўнатяпмиз. Қорамолларни семиртиришдан хўжалигимиз ҳам, чорвадорларимиз ҳам катта иқтисодий наф кўряпти. Истеъмолчилар ҳам мамнун бўлиб, раҳматлар айтяпти.

Тухум ва бошқа турдаги чорва маҳсулотлари тайёрлаш топшириқлари ҳамма турлари, миқдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича ошириб ado этилгани чорвадорларимиз фидокорлик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилаётганликларини кўрсатувчи далилдир. Чорвачилик тўлақонли соф фойда келтирувчи тармоққа айлантирилди. Бу тармоқни ўн биринчи бош йиллик охиригача бўлган даврда янада ривожлантириш тадбирларини ишлаб чиққанмиз.

Юқорида айтилганидек, чорвадорларимиз ўзларининг барча имкониятларини ишга солиб, йилнинг тўрт фаслида ҳам бир маромда меҳнат қилмоқдалар. Маром дейилганда бир нуқтада туриб қолиш ёки турғунликни тушунмаслик керак. Сут, гўшт, тухум ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни ойма-ой, кварталма-квартал, йилмайил белгиланган график асосида кўпайтириб борамиз, топшириқни ортиғи билан бажарганларни рағбатлантирамиз, бажарилмай қолишига асло йўл қўймаймиз.

Жараш Мирзааҳмедова, Удбуш Тўлегенова, Анисе Меметова, Сапура Бойбекова каби илғор сут соғувчиларимиз ҳар бош сигирдан 3000—3100 литрдан сут согиб олиб, ўз бурчларини шараф билан ўтадилар. Уларга раҳмат айтамиз, моддий жиҳатдан рағбатлантирамиз. Лекин пастроқ кўрсаткичга эришган соғувчилар ҳам йўқ эмас. Биз улардан топширилган иш учун масъулият талаб қилямиз. Шароит бир хил бўлса-ю, маҳсулот олишда тафовутга йўл қўйилса! Ўша кам сут соққан ёки қорамолларни яхши семиртириш қўлидан келмаган айрим кишилар нега правлениени хабардор қилмади? Ўзимизда ҳам айб бор, уларнинг ишини вақтида танқидий тарзда таҳлилдан ўтказмадик. Келгусида бундай камчиликларнинг такрорланишига йўл қўймаслик чораларини кўряпмиз.

Чорва қишлови жуда масъулиятли иш эканини яхши тушунамиз. Яқинда правление ва партия ташкилотининг кенгайтирилган йиғилишида қишловнинг дастлабки якунларини муҳокама қилдик. Об-ҳаво илиқ келиши туфайли ҳозирча жиддий қийинчиликлар юз берганича йўқ. Лекин қиш ҳамиша эртами-кечми қишлигини қилиши мумкин. Ушандай кезларда саросимага тушиб қолмаслик учун ҳамма чораларни кўряпмиз. Бу-лар нималардан иборат?

640 тонна беда пичани майдаланиб, қишлов жойларига келтириб қўйилди. Шунингдек, 500 тонна сенаж, 1500 тонна сўталик маккажўхори силоси бостирилди. Концентратлар ҳам етарли. Шуни айтиш керакки, ем-хашак нечоғли кўп бўлмасин, унинг ҳар килограммидан ишнинг кўзини билиб, оқилона фойдаланилмаса асло кутилган даражада маҳсулот олиб бўлмайди. Шунинг учун ем-хашакни сарфлашда, самарадорлигини оширишда, чорва моллар маҳсулдорлигини кўтаришда фермалар, комплекслар ходимлари билан бир қаторда мутахассисларнинг жавобгарлигини ошириш, ташкилотчиларнинг қучайтириш керак. Сигирлар сутининг озгина бўлса ҳам камайишини фавқулодда ҳодиса деб қараш, йўл қўйилган камчиликни дарҳол тузатиш чорасини кўриш керак. Йилнинг тўрт фаслида ҳам маҳсулотлар етиштириши кўпайтириб бориш ва фақат чорвадорлар, айни кезда хўжаликлар раҳбарларининг ҳам муҳим бурчидир. Бу борада қиш фасли деб ҳеч кимга имтиёз берилмайди.

Кўпшиа ем-хашак тайёрлаш ҳақидаги маълумотларда 100 рақамини кўриб қуворамиз. Бу яхши, албатта. Лекин озуқа тайёрлаш плани ҳамма турлари бўйича бажарилдими ёки йўқми? Бунга етарли эътибор бермаймиз. Қуруқ хашак билан сигирлар сутини, қорамоллар, чўчқалар, паррандалар маҳсулдорлигини ошириб бўлмайди. Бунда концентрат ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Масалан, бизнинг колхозимизни олайлик. Юқорида тилга олинган тўймали озуқадан ташқари 250 тонна маккажўхори дони, 500 тонна лавлаги ҳам тайёрлаб қўйдик. Табиий пичан ва somon 200 тоннадан кўп. Жамғарилган жами ем-хашакни қиш фаслига ҳар бир чорва молининг эҳтиёжини ҳисобга олиб тақсимлаб чиқдик. Қишлов даврида озуқа рационн кўпми-озми ўзгартирилиши мумкин. Лекин ажратилган озуқани нормал сарфлаб, кутилган миқдорда юқори сифатли маҳсулотлар олишимиз шарт. Буни бажармаган кишилар правление ва партия ташкилоти олдида жавоб беради. Ортиғи билан ado этганлар эса саноат моллари, пул мукофотлари билан рағбатлантирилади.

Кези келганда ем-хашак тайёрлаш бригадаларининг аъзолари яхши ишлаганликларини айтиб ўтмоқчимиз. Улар пландан ташқари кўп миқдорда озуқа тўпладилар. Ҳисоб-китоблар, мулоҳазалардан кейин колхозчиларга чорва моллари учун 90 тонна беда пичани, 300 тонна майдаланган маккажўхори пояси ажратдик. Айни кезда районимиз хўжаликларига 50 бош наслли ғунажин сотдик.

Қишлов даврида барча участкаларда меҳнат интизомини ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкамлашимиз керак. Чорва ходимларидан бирор киши ишга чиқмай қолмасин, ишдан барвақт кетмасин. Ем-хашак вақтида чорва молларига берилсин, сув таъминоти яхшилансин! Бегаملик, бепаровлик маҳсулотларнинг камайишига олиб келади. Бунга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Қишлов даврида чорвадорларга кўмаклашиш учун ёрдамчилар ажратамиз.

Социалистик мусобақа чорвадорларимизни ҳамиша янги меҳнат зафарларига илҳомлантириб келди ва илҳомлантираверади. Сут соғувчилар, молбоқарлар, паррандабоқарлар ва бошқа касб эгалари ўз зиммаларига конкрет мажбуриятлар олиб, мусобақага қўшилдилар. Мусобақа шартларининг бажарилишини ҳар ўн кунда якунлаб борамиз. Ғолибларни мукофотлаш учун пул ва қимматбаҳо саноат моллари ажратилди. Кўчма Қизил байроқ ва вимпеллар таъсис этилди. Правление аъзолари, ташкилотчи коммунистлар энг муҳим участкаларга биркитилди. Ҳар куни уларнинг ахборотлари тингланиб борилянти.

Пахта тайёрлаш плани ва социалистик мажбуриятини шараф билан ado этган колхозимиз аъзолари чорва қишловини ҳам яхши ўтказадилар, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларига маҳсулотлар етиштириши кўпайтириш билан амалий жавоб берадилар.

П. САВУЛКИН,
Чиноз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози раиси.

Ҳ. АКРОМОВ,
партия комитети секретари.

ЧОРВАДОРЛАР ЗАФАРИ

Беруний райони чорвадорлари катта ғалабага эришдилар. Улар давлатга 1213 тонна гўшт, 3959 тонна сут, 2 миллион 717 минг дона тухум сотиб, ўн биринчи беш йиллиликнинг тўғиғ йили планларини ўн ойда ортиғи билан уддаладилар.

Шунингдек, давлатга қорамол терисн сотиш йиллик планини 109, жун сотиш йиллик планини 107 процентга бажардн.

М. МУҚОНОВ.

* * *

КПСС XXVI ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездлари қарорларини изчиллик билан амалга ошираётган Китоб районн чорвадорлари давлатга сут топшириш йиллик планини муддатидан олдин ошириб бажардилар. Қабул пунктларига 5850 тонна серқаймоқ сут етказиб берилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 620 тонна кўпдир.

Қўлга киритилган катта меҳнат ютуғида Карл Маркс номли, Куйбишев номли, Улуғбек номли, Свердлов номли колхозлар, «Зарафшон», «Партия XIX съезди», Охунбобоев номли совхозлар чорвадорларининг муносиб улушлари бор.

Ҳ. РАҲМОНОВ.

Сирдарё область Ильич районидаги Титов номли совхоз чорвадорлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IV пленуми қарорларидан руҳланиб ўн биринчи беш йиллиликнинг дастлабки йилини муваффақиятли якунламоқдалар. Ҳозиргача ҳар бир сигирдан 2500 килограммдан сут согиб олинди. Хўжаликнинг илғор сут соғувчиларидан Т. Санақулова, Г. Ўразматова, С. Нурбоева ҳар бир сигирдан кўплаб сут согиб олмоқдалар. Суратда: ана шу уч дугона тасвирланган.

Н. Абиров фотоси.

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

СОВЕТ ТАШАББУСЛАРИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Нью-Иоркда БМТ Бош Ассамблеясининг иши Совет Иттифоқининг ядро урушига йўл қўймасликка, қуролланиш пойгасини жиловлашга ва қуролсизланишга қаратилган тинчлик ташаббусларини маъқуллаш белгиси остида ўтмоқда. Жуда кўпчилик мамлакатларнинг мухтор вакиллари Совет Иттифоқининг ҳозирги замондаги туб проблемаларни — халқларнинг хавфсизлигини таъминлаш, жаҳон узра пайдо бўлган уруш хавфини даф қилиш проблемаларига доир таклифларини қўллаб-қувватлаб овоз бермоқдалар.

Ядровий фалокатнинг олдини олиш тўғрисидаги декларация маъқулланганлиги Совет Иттифоқи ўтказаётган тинчлик сиёсатининг катта муваффақияти бўлди. Бу ҳужжатнинг лойиҳасини СССР делегацияси тақдим қилган эди. «Ядровий можаро чиқиш хавфини йўқотадиган тарзда ҳаракат қилиш, деб таъкидланади мана шу гоят муҳим ҳужжатда, ядро қуролига эга бўлган давлатлар раҳбарларининг олий бурчи ва бевосита вазифасидир». Биргаликдаги кучғайратлар билан ҳалол ва тенг ҳуқуқли музокаралар орқали ядровий қуролланиш пойгаси тўхатилиши ва орқага буриб юборилиши лозим.

БМТ доираларида қайд этишларича, ҳозирги мураккаб халқаро вазиятда ядро урушн хавфини тугатиш тўғрисидаги энг муҳим масала Бирлашган Миллатлар Ташкилотида тўла-тўкис тушуниш билан қўллаб-қувватланди. АҚШ ва унинг НАТО блокидаги энг яқин иттифоқчиларидан иборат қуролланиш пойгасининг тарафдорларнгина декларацияга қарши овоз бердилар. Аммо улар аслида яккаланиб қолдилар, чунки жаҳон ҳамжамияти умуман империалистларнинг инсониятни фалокатга судрашдан иборат тинчлик иши учун хатарли сиёсатига салбий муносабатини яна бир карра яққол намойиш этди.

Совет Иттифоқининг космик фазода ҳар қандай турдаги қуролни жойлаштиришни тақиқлаш тўғрисида шартнома тузиш ҳақидаги таклифи қабул этилганлиги ҳам тинчликсевар кучларнинг катта муваффақияти деб баҳоланмоқда. Бош Ассамблея маъқуллаган ва нейтрон қуролни тақиқлашга даъват этадиган резолюцияга социалистик мамлакатлар илгари сурган ғоялар асос қилиб олинган. Социалистик мамлакатларнинг Ер куррасидаги барча халқлар эшитган даъватига мувофиқ БМТ нейтрон ажали «йўқ қилинсин» деб қатъий қилиб айтди. Резолюция АҚШ милитаристик муддаоларини тўғридан-тўғри фош этувчи ҳужжат бўлиб янгради.

Бош Ассамблея маъқуллаган бошқа ҳужжатлар ҳам уруш хавфини камайтириш, ядро урушининг олдини олиш мақсадида ўтказиладиган конкрет музокаралар учун жиддий асос бўлиб қолади, бу ҳужжатларнинг энг муҳимларини биринчи марта Совет Иттифоқи таклиф қилган эди. Бу ҳужжатлар, жумладан, оммавий қирғин қуролининг янги турларини ва шу қуролнинг янги системаларини яратиш ва ишлаб чиқаришни тақиқлаш тўғрисида кенг қамровли шартнома тайёрлашга, шунингдек ядро қуроли ишлаб чиқаришни тўхтатиш ҳамда унинг запасларини аста-секин қисқартириб, бора-бора бутунлай тугатиш тўғрисидаги музокараларга таллуқлидир.

Мана шу ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги — Ер юзида тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун курашдаги муҳим боқичдир.

В. МАТЯШ. (ТАСС).

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ЕРДАМИ БИЛАН

ВСР машинасозлик ва металлургия министри Нгуен Ван Кха Тинтук қалайи кони уч йил давомида реконструкция қилинганидан кейин ишга туширилиши муносабати билан нутқ сўзлаб, Совет Иттифоқи Вьетнам кончилик саноатини ривожлантириш соҳасида жуда катта ёрдам бераётганлигини айтди. Бу ерда СССР ёрдами билан дизель электростанцияси, замонавий саралаш фабрикаси қурилди, автомобиль йўллари барпо этилди.

Тинтук кони — Вьетнамдаги энг кўҳна корхоналардан биридир. Кон партия ячейкаси Вьетнам Коммунистик партияси ташкил этилган 1930 йилдаёқ Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 13 йиллигини биринчи марта нишонлаган эди. Уруш вақтида вайрон қилинган корхона СССРнинг ёрдами ва техникавий кўмаги билан 1955 йилда тикланди ва анча кенгайтирилди. Совет мутахассислари юзлаб малакали ишчи ҳам тайёрладилар.

БОЛГАР ЕРЛАРИ СУҒОРИЛМОҚДА

Болгария мутахассислари Дунай текислигини суғориш-ни бош схемасини ишлаб чиқдилар. Бу схемадан кўзда тутилган мақсад ерлар ўнумдорлигини имкони борича оширишга эришишдан, экиндардан муттасил мўл ҳосил олишни таъминлашдан иборатдир.

Болгарияда сув тақсимлайдиган каналлар, насос станцияларини қуриш ишлари бутун йил давомида олиб борилади. Қишлоқ меҳнаткашлари суғориладиган ерларда донли экинлардан, сабзавот ва мевадан мўл ҳосил йиғиштириб олмоқдалар. Болгарияда суғориладиган деҳқончилик соҳасида дарҳақиқат жуда катта муваффақиятларга эришилди. Ўтгиз йил мобайнида шунга эришилдики, ҳозирги вақтда мамлакатда ишлаётган ҳамма ернинг тўртдан бир қисми суғорилмоқда. Жами ҳажми 700 миллион кубометрдан кўпроқ сувн бўлган икки мингдан зиёд сунъий сув омбори, қарийб 3 мингта насос станцияси қурилди.

(ТАСС).

ҚОҲИРА БИЛАН ВАШИНГТОННИНГ ИЗИДАН

Территорияси жиҳатидан Африканинг энг катта мамлакати — Суданда кескин вазият вужудга келди. Империализм билан ва Яқин Шарқдаги реакцион режимлар билан тобора кўпроқ бириқиб бораётган ҳозирги Судан раҳбарларининг ички ва ташқи сиёсатидан меҳнаткашларнинг норозилиги бунга сабаб бўлди.

Судан жиддий иқтисодий қийинчиликларн бошидан кечираётганини яқинда президент Нимейриннинг ўзи тан олди. Мамлакатнинг савдо балансидаги камомат 1972—1973 йиллардаги 200 миллион доллардан ҳозирги молия йилида 500 миллион долларга етди, деди у. Бироқ, кўпгина мутахассисларнинг фикрича, бу — очиқдан-очиқ камайтириб кўрсатилган рақам бўлиб, ҳақиқатда савдо-сотиқдаги камомат қарийб бир миллиард долларга боради. Мамлакатнинг ташқи қарзи эса салкам 3 миллиард долларни ташкил этади ва доимо ошиб бормоқда. Бунинг устига ҳукумат чет давлатлардан олган қарзини энг зарур иқтисодий муаммоларни ҳал этиш учун эмас, балки қурол-яроғ сотиб олиш учун ишлатмоқда.

Ғарбга иқтисодий қарамлик шунга олиб келдики, Нимейри янги қарз беришни ваъда қилган халқаро валюта фондининг асоратли шартларини қабул қилишга мажбур бўлди. Халқаро валюта фондининг шартларига биноан президент, жумладан, Судан фунтининг қадрини анчагина пасайтирмоқчи эканини эълон қилди. Бугдой, қанд-шакар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирувчиларга давлат томонидан бериладиган ёрдамни бекор қилишга ҳам қарор қилинди, бу эса дарҳол нархнавонинг кўтарилишига олиб боради. Нефть ва ёнилғи учун олинадиган солиқларнинг кўпайтирилиши ҳам умумий иқтисодий аҳволга салбий таъсир қилмасдан қола олмайди. Нимейриннинг айтишича, янги иқтисодий тадбирлар мамлакат экономикасини «жонлантириш» лозим эмиш. Аслида эса бу тадбирлар мамлакат бошига тушган иқтисодий машаққатларни баттар кучайтиришга ва меҳнаткашларнинг бусиз ҳам оғир аҳволини яна-да ёмонлаштиришга олиб боради.

Президент Нимейри қаршилик қайфиятларининг кучайишини ҳар қандай воситалар билан тўхатишга ва ошкора норозилик нишоналарини бостиришга уринмоқда. У касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотларига қарши зулмкорлик тадбирларини ишга солмоқда.

Судан раҳбарлари меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига ҳужум қилиш билан бирга, халқаро майдонда ҳам халқ манфаатларига зид сиёсат ўтказмоқдалар. У Қоҳирани яккалаб қўйиш тўғрисида олий доирадаги ғараблараро кенгашларнинг резолюцияларини бузиб, таслимчи Миср режими билан ҳамкорликни кенгайтира бошлади. Нимейри Кэмп-Дэвид битимининг адвокати бўлиш ролини ўз зиммасига олганлиги, шунингдек Америка ҳарбий базаларини қуриш учун Судан территориясини бериб қўйишга розилик берганлиги, ҳақиқатда, Судан Миснинг американапарастлик сиёсати изидан бораётганини билдиради.

Миср президент Садат ўлдирилиши билан боғлиқ бўлган воқеалар Судан раҳбарларини жуда саросимага солиб қўйди. Нимейри бу воқеалар мамлакатдаги ички сиёсий вазиятга таъсир қилишидан хавфсираб, АҚШдан ёрдам сўради. Океан нариёғидаги ҳомийлар ўз иттифоқчисининг илтимосини дарҳол қондирдилар.

Судандаги вазият ҳамон кескин бўлиб турибди. Ватанпарвар кучлар ҳукумат маъмурларининг ялпи жабр-зулмига қарамай курашни давом эттирмоқдалар. Мамлакат пойтахти — Хартумда, Сеннар, Ад-Дамазин ва бошқа шаҳарларда намойиш ҳамда ғалаёнлар бўлиб ўтмоқда. Хартум университетининг бир гуруҳ студентлари Суданнинг биринчи вице-президенти Абдулмажид Ҳамид Халил турган минбарга тошлар ва бўш шишалар отиб, унинг нутқ сўзлашига йўл бермадилар. Ҳукмрон режим намойишларни тарқатиб юбориш учун ҳавфсизлик кучларининг бўлинмалари ва армия қисмларини ишга солмоқда. Кўпдан кўп одамлар қамоққа олинмоқда. Сўнгги маълумотларга кўра, қамоққа олинган ва ушлаб қолинган кишилар 15 минг нафардан ошади. Бироқ, Нимейри режими қимматчиликнинг ошишига, ашаддий жабр-зулмга ва маъмурларнинг таъқибларига қарши, Суданни Американинг босқинчилик мақсадини кўзловчи «тез ҳаракат қилиш кучлари» майдонига айлантиришни кўзда тутувчи ташқи сиёсатига қарши норозилик билдираётган меҳнаткашларнинг кучайиб бораётган ғалаёнларини бостиришга муваффақ бўла олмаяпти.

В. ПОПОВ. (ТАСС).

Қўшма Штатларда Оқ уйнинг милитаристик сиёсатига қарши намойишлар бўлиб ўтяпти. Суратда: Коннектикут штатининг — Гротон шаҳрида урушга қарши намойиш пайти.

АП — ТАСС фотоси.

ЭРОН—ИРОҚ МОЖАРОСИ

БАЙРУТ, 11 декабрь. (ТАСС). Эрон — Ироқ қуролли можароси давом этмоқда. Асосан бўстон яқинида шиддатли жанглар бўлмоқда. Эрон қўмондонлиги шу шаҳарга ҳужум операцияси бошлади. Ҳозирги вақтда Ироқ қўшинлари ўз қўл остидаги Ховайза шаҳри томонидан ва Саблага шимоли-ғарбий тарафдан қарши ҳужум қилмоқдалар, бу ерда самолётлар ва тўпларидан фойдаланилиб, қаттиқ жанглар олиб борилмоқда.

Фронтнинг бошқа участкаларида ҳам қизғин жанглар давом этмоқда.

БОСМАЧИЛАР ҲИНДИСТОНГА ЮБОРИЛМОҚДА

ДЕҲЛИ, 12 декабрь. (ТАСС мухбири). Покистонга жойлашиб олган аксилинқилобчи афгон босмачилари орасидан танлаб олинган агентларни Ҳиндистонга юбориш кенгайиб бормоқда. Ҳиндистон Компартиясидан сайланган депутат Йогендра Шарма парламентда сўзлаган нутқида афгон босмачилари Америка ва Покистон жосуслик маҳкамаларининг кўмаги билан Ҳиндистонга юборилаётганлиги мамлакат хавфсизлигига жиддий таҳлика солаётганлигини айтди. Афгон революциясининг душманлари, деб таъкидлади у, Ҳиндистондан дўст Афганистон Демократик Республикаси ҳукуматига қарши фаолият учун фойдаланишга уринмоқдалар. Улар тузган жосуслик ўзлари афгон контрреволюцияси, Покистон, Америка марказий разведка бошқармаси фойдасига разведка маълумотлари тўплаш билан, афгон халқининг ташқи агрессияга қарши одилона курашига ҳайриҳоҳлик қилаётган тараққийпарвар ҳинд журналистларини чўчитиш билан шуғулланмоқдалар.

А. БОХОНЬКО.

ШОШИЛМАНГ, ГЕНЕРАЛ...

ХАЛҚАРО ФЕЛЬЕТОН

...Дастлабки аниқлаш системаси океан узра ғарбий йўналишда ҳаракат қилаётган нотаниш объектларни аниқ қайд этди...

Генерал сесканиб кетди. Инструкция Марказдан алоҳида буйруқни кутишни талаб қиларди. У ўнг қўлини стратегик мақсаддаги ядро ракеталарини ишга солиш кнопкасига қўйганча, фавқулодда алоқа селекторига зўр диққат билан тикилиб қолди.

Селектор жимлик сақларди. Локатор ҳамон нишоннинг ҳаракатланиши ҳақидаги сигналларни қайд этар эди.

«Нима, у ердагилар ухлаб қолишганми?» — хаёлидан ўтказди у.

Бироқ, худди шу инструкцияга кўра, агар қўшимча компьютер беш минут давомида аниқлаш системаси маълумотларини тасдиқласа, у ўз қолича бирор қарорга келиши ҳам мумкин эди.

Очиғини айтганда, у мана шу дақиқаларни узоқ кутди. Жин урсин, асаби бўш эканларнинг тинчлик ҳақидаги сафсаталарини тинглаш жонга тегди. «Тинчликдан кўра муҳимроқ нарсалар бор» —давлат секретари, генерал Александр Хейгнинг бу сўзларини у керагича тушунарди: «Тинчликдан муҳимроғи — ўруш». Гап тамом!

Контроллик учун лозим бўлган беш минут тугаб бораркди. Кескинлик сўнгги нуқтагача кўтарилди. Унинг вужудини, ҳар қандай дақиқадаёқ тревогани бекор қилиши мумкин бўлган селекторни синдириб ташлашдай тўхатиб бўлмас истак қамраб олди. Агар ҳозир селектор лампочкаси липиллайдиган бўлса, унинг мана шу дақиқаларн кутишга бағишланган бутун ҳаёти ўз мазмунини йўқотади.

У силтаб, ғазаб билан селектор симини узди. Анча енгил тортди. Ўнг қўлидаги кўрсатгич бармоғи ишга солиш кнопкасини аста боса бошлади.

— Кнопкани босишга сабр қилинг, генерал, — орқа томонида адъютантининг овозини эшитди.

— Шайтон олсин сени! — бақирди генерал ва ваҳшийларча кнопкани охиригача босди.

Бўлди!

У ўз ишини бажарди! Энди ҳеч нарса унга боғлиқ эмасди. У енгил нафас олди ва кресло суянчиғига суяниб ўтирди.

— Қаҳва келтиринг, лейтенант, — деди у сигаретани тутатаркан.

У адъютант ўзини кузатиб турганлигини биларди. Майли, бундай вақтларда ҳақиқий эркак ва солдат ўзини қандай тутиши лозимлигини кўриб қўйсин.

— Мени эшитяпсизми, лейтенант? — қайтарди у ва орқага бурилди. Бўлимада ҳеч ким йўқ эди. Фақат усқуналаргина зўрга сезиларли даражада чийилларди. Генерал сўкинди ва яна бошқариш пульти томон бурилди. Экранда ўз ракеталари океанни кесиб ўтарди. Яна икки-уч минут ва... У ерда нима бўлишини кўриш учун кўпгина нарсани қурбон қилишга тайёр эди...

Бироқ, бу унча ҳам муҳим эмас. Ҳозир бир чашка қаҳва ичиш зарур. Лифтда у юқорига кўтарилди. Аммо команда пунктининг бу қаватида ҳам ҳеч ким кўринмасди.

«Жангчиларми-ш-а, — қаҳр билан фикрларди у. — Ҳаммаси бункерга яшириниб олишган».

У ҳовлига чиқди. Ҳеч зоғ йўқ. Фақатгина йироқда, ракеталар шахтаси жойлашган ерда акс-садо ғувилларди. У осмонга нигоҳ солди. Унда ракеталар изи оппоқ йўлак бўлиб юксакликка кетганди.

Тўсатдан, у аллақандай куч уни кўтариб олиб, юқорига олиб чиқиб кетаётганини сезди.

«Ё худойим, менга нима бўлди ўзи?» — қўрқувдан сассиз ўтраганини ҳис қиларкан.

— Нима учун қичқиряпсиз? — эшитилди ортидан. Орқага ўгириларкан, унинг ҳақида кўп марта ҳайратланарли мақолалар ёзган таниш журналист Биллнинг ўзини кўриб етаётганини кўрди.

— Хўп, азаматсиз-да, генерал. Табриклайман, — деди Билл унга тенглашиб олгач.

— Раҳмат, — жавоб қилди генерал ҳар эҳтимолга қарши, гарчи гап нима ҳақида боришини тушуниб етмаган бўлса ҳам.

Бир минутча жимгина учишди.

— Йўл бўлсин, Билл? —эҳтиёткорлик билан сўради генерал.

Билл унга ҳайронлик билан тикилди ва кулиб юборди.

— Сиз қаерга кетаётган бўлсангиз, мен ҳам шу ергада.

— Демак, сени ҳам таклиф этишибди-да, — қармоқ ташлаб кўришга уринди генерал.

— Қаерга?

— Ўша ерга-да...

— Жин урсин сизни, шу ахмоқона ҳазилларингиз билан! — бақирди Билл ва ён томонга учиб кетди. Генерал ёлғиз қолишдан қўрқарди.

— Хафа бўлма, дўстгинам, — хушомадгўйлик билан деди у. — Аммо, чиндан ҳам, мен қаерга учиб кетаётганимни билмайман.

— Сиз ҳеч қаерга учиб кетаётганингиз йўқ, — қичқирди Билл, — Ва умуман сиз энди мавжуд эмассиз.

Генерал ўзига разм солди-ю, қўрқувдан чинқираб юборди. Унинг на қўли, на оёғи, на гавдаси бор эди.

— Билл, худо ҳаққи, менга нима бўлди?

— Ўзгаларга нима бўлган бўлса, сиз ҳам худди шундай аҳволдасиз.

— Мен ерга қайтишни истайман... врачга боришни истайман, Билл. Кел, пастга тушайлик...

— Ерни қаерда кўряпсиз?

Генерал пастга қаради. Унда аллақандай тубсиз қора жарлик кўринарди.

— Билл, нима бўлди ахир?

— Кнопкани босмаслик лозим эди.

— Бироқ локаторлар уларнинг ракеталари ҳаракатини аниқ қайд этди-ку...

— У ғоялар ғаласи эди.

— Ҳамма нарсанинг бундай якунланишини ким билибди дейсан? Билл, сен қаерга? Мени ёлғиз ташлаб кетма... Ахир ўзинг мени табрикладинг-ку.

— Агар ҳаммаси бошқатдан бошланса-чи, генерал?..

— Агар бошқатдан бошлансайди... Билл, дўстим... Мен... ҳеч қачон... Ташлаб кетма мени, Билл... Мен қўрқаяпман...

— Уйғонинг, генерал. Сизга нима бўлди?

Генерал зўр-базўр кўзларини очди. Унинг устида адъютантнинг ғамхўр чеҳраси эгилганди. Команда пунктида ҳамма нарса одатдагидай эди.

— Айтинг-чи, Майкл, бу тунда ҳеч нарса рўй бермадими? — сўради генерал.

— Мутлақо ҳеч нарса. Сизни кеча кечкурундан буён журналист кутаётганини ҳисобламаган тақдирда.

— Билл?

— Шундай, сэр. У кечаги ракеталарнинг учирилиши ҳақида сиздан биринчи бўлиб интервью олишни истайди.

— Майли, кирсин.

— Хўп азаматсиз-да, генерал, — деди Билл, кабинетга кираркан. — Табриклайман. Мўлжалга олишда шунчалар аниқлик! Айтинг-чи, чинакам ракеталарни учириш кнопкасини ҳам, кечаги машқлар вақтидаги каби ишонч билан боса олармидингиз?

— Агар сен, Билл, бугун тунда мен билан бирга бўлганингда эди, менга бундай савол бермаган бўлардинг.

— Хўш, бу тунда сиз қаерда эдингиз?

— Билмадим. Аммо, мен Билл, чинакам ракеталарни учиргандайман. Афсуски, сен буни эслолмайсан.

Қулоқни кар қилгудай даражада телефон жиринглади. Генерал трубкани кўтарди.

— Тревога, жаноб генерал — ҳаяжонланиб деди навбатчи. — Дастлабки аниқлаш системаси океан узра ғарбий йўналишда ҳаракат қилаётган нотаниш объектларни қайд этди...

Евгений ЧЕРНОВ. (АПН).

АДАБИЁТ ВА САНЪАТ САҲИФАСИ

АДАБИЁТИМИЗ НАМОЯНДАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ РАМЗ БОБОЖОН ОЛТМИШ ЁШДА

Дил сўзлари

✦ Рамз Бобожон янги замон одами, янги замон шоири, у ГЭСлар, тракторлар, химик ва физик мўъжизалар замонасининг шоиридир. Рамз Бобожоннинг ҳамма ижодидан талаб қилганимиздек, рубоийларидан ҳам ўз асримиз кишисининг олий хулқу атвори, янгича дунёга қараши, замонамизнинг руҳи ва ғолиб овозини тингламоқдамиз.

Ғафур ҒУЛОМ.

✦ Учқур фикр ва туйғулар теранлиги Рамз Бобожон шеъриятининг пафосини ташкил этади.

Виталий ОЗЕРОВ.

✦ Рамз Бобожон ижодида лирик публицистик руҳ муҳим ўрин тутади. Унинг аксарият шеърлари ва барча достонлари давр нафаси билан суғорилган.

Алексей СУРКОВ.

✦ Рамз Бобожон поэзияси — жонли ва ранг-баранг, доимий ҳаракатда бўлган манзарадир. Бу ҳаракат фақат маҳоратни ошириш, бадиий ифода воситаларини дадил янгилаш ва кенгайтириш (бу ҳам бор гап) ҳисобигагина бўлаётгани йўқ. Бу ҳаракат, ўсиш, тўғрироғи динамика аввало ҳаётимизнинг жўшқин ривожи ва революцион юксалиши, шоир ижодининг барча босқичларида озиқлантириб, бахраманд этиб турган ғўзал ва ёрқин воқелигимиз билан боғлиқдир.

Комил ЯШИН.

БАРКАМОЛ ШОИР

Ёзувчи ижоди ўз даврининг бадиий солномаси, дейдилар. Ўз халқининг асл фарзанди, жонажон Коммунистик партиямизнинг содиқ солдати бўлган совет ёзувчисининг меҳнатига, ижодий фаолиятига нисбатан бундай таъриф жуда тўғридир.

Бу кун олтмиш ёши кенг нишонланаётган таниқли шоир, драматург, публицист ва жамоат арбоби Рамз Бобожон қирқ беш йиллик ижоди давомида Совет Ўзбекистони босиб ўтган улуғ тараққиёт йўлини жўшқин қалби билан куйлади, ўткир қалами билан тасвирлади. Унинг ғиҳдиликда ўзбек ва рус тилларида жилд-жилд нашр этилган шеър, баллада, достонлари, пьеса, очерк ва мақолаларини биз шоир яшаб, ижод қилаётган даврнинг бадиий солномаси, деб бемалол айта оламиз. Айниқса, унинг СССР Давлат мукофотига муносиб топилган «Оби ҳаёт» достони халқимизнинг асрий орзу-умидларини ва коммунистик фаровонлик яратиш йўлидаги ҳозирги буюк фидокорона меҳнатини ўтли шеърий нафас билан ифодалайди.

x x x

Мен Рамз Бобожонни 46 йилдан буён, унинг илк шеърлари газеталарда кўрина бошлаган 1935 йилнинг кўклам кунларидан бошлаб биламан. Биламангина эмас, шу давр давомида бир шаҳар ва бир маҳаллада, бир адабиёт ва бир ижодий ташкилотда бирга бўлиб келдик. Бирга-бирга ёздик, бирга-бирга баҳслашдик, бир мақсад йўлида интилдик, ҳамнафас ва бамаслаҳат ишлашдик.

Мен Рамз Бобожонни турли-туман, бир-бирига ўхшамаган ва ҳатто бир-бирига зид шароитларда, ҳолатларда кузатиб келганман, ҳар қандай вазиятда ҳам унинг инсон, ёзувчи, жамоат арбоби сифатида тадбиркорлиги, оқилона иш тутишини кўриб, мамнун бўлганман.

Дўстим ўспиринлик фаслидаёқ тенгдошлари орасида ўқимишлилиги, маданиятлиги билан ажралиб турарди. Ёшлигимиздаги бир воқеа ҳамон ёдимда. 1935 йилнинг кўкламида у мени уйига таклиф қилди. Олмазор кўчаси бўйлаб Арпапоя маҳалласини ўтиб, Ўқчи томонга бурилдик. Бир қаватли, европача, шипам уй олдида тўхтадик. Дўстимнинг отаси Насриддин ака бизни кутиб олди. Кенг ҳовлида гуллаб ётган олма дарахти ёнидан бошлаб ўтди ва биз унга эргашиб, баланд зинапоядан меҳмонхонага кўтарилдик. Деразалари баланд ва кенг, ёруғ хонага кирганч, китоб терилган жавон, диван ва креслолар, стол-стуллар-ни кўрдим. Насриддин ака стол тўрига, биз пойгагига ўтиргач, унутилмас суҳбатлардан бири бошланди... Мен отасиз ўсганман, шу сабабдан бўлса керак, дўстим отасининг ширин суҳбати, панду насиҳатлари менга ўз отам тирилиб келиб сўзлашаётгандай туюлди.

Ўша йилларда яна шундай бўлдики, устоз Ғафур Ғулом бир неча ёш шоирлар қаторида Рамз билан менинг ҳам қўлимдан тутиб, ўзига ҳамсуҳбат, ҳамижод қилиб олди. Ғафур аканинг дўстимга муҳаббати замирида унинг Насриддин ака билан дўстлиги ҳам мавжуд эдики, биз — ёшлар, бу икки тенгдош қадрдоннинг бир-бирларига ҳурмат ва муҳаббатларига ҳавас билан боқар эдик.

Улуғ Ватан уруши арафасида адабиётимизда таниллган ёшлар орасида Рамз Бобожон ҳам кўзга тез ташланди. Айни вақтда у партиявий журналистика қозонида қайнаб пишди. Ёш шоир «Ленин учқуни» газетаси редактори вазифасида ишлади. «Совет Ўзбекистони» редакциясида масъул вазифаларни бажарди. Ҳамид Олимжон раҳбарлигида Ёзувчилар союзида ташкил этилган ёш ёзувчилар семинарида қаламини қайради.

Йиллар елдиримдай учқур, деймиз одатда. Аммо, ҳар йил, ҳар фасл, ҳар кунинг ўз мазмуни, ривожи, таровати бор. Рамз Бобожон ҳам давр билан бирга ҳамқадам, ҳамнафас бўлиб ўсди, улғайди, машаққатли ижод довонларидан дадил ошди, шеърият чўққиси томон дадил интилди.

Рамз Бобожон Осиё ва Африка мамлакатларининг кўпгина шоирлари билан дўст. Покистонлик Файз Аҳмад Файз, афғон адиби Асадулло Ҳабиб, ҳинд Мукержи ва бошқа ўнлаб шарқ шоирлари уни яхши биладилар, севадилар. Биз тинчлик, халқлар саодати, ҳамжиҳатлик ва дўстлик учун бир сафда турибмиз.

x x x

Ёшликдан бирга ўсган, ҳар бир қадами, ҳар бир асарининг ёзилиш тарихидан хабардор бўлган дўстинг ҳақида қисқа мақолада бир нима дейиш ҳам осон, ҳам қийин. Шунинг учун осонки, кузатувларинг, хотираларинг, таассуротларинг, умуман айтмоқчи бўлган юрак сўзларинг бисёр — булар катта-катта мақолаларга етарли. Бироқ қийин жиҳати шундаки, дўстингнинг катта ишлари, воқеа бўлган асарлари сенга оддий нарсадай бўлиб кўринади. Балки, у билан ҳамиша бирга бўлганинг, бирга ўқиганинг, бирга ишлаганинг, хуллас бир авлодга, битта ягона ижодий оилага мансуб бўлганинг учун шундайдир.

Юқорида таъкидлаганимдек, мен Рамз Бобожон билан 1935 йилда танишдим. У ўша вақтда ҳам Рамз Бобожон эди, яъни илк шеърларига шундай деб имзо чекар. Ёзувчилар союзи остонасига шу ном билан қадам қўйган эди. Қарабсизки, орадан бир етук инсон умричалик вақт — 46 йил ўтибди.

Ҳозир адабиёт кемасини юргизиб турган — «ўрта авлод» деб таниллган романчилар, шоирлар, драматургларнинг, олимлар урушдан аввалги ўша йилларда, 15—16 ёшлик ўспиринлик фаслимизда Ғафур Ғулом ва Ҳамид Олимжон қаторида Ойбек, Комил Яшинлар билан учрашдик. Улар бизнинг қўлимиздан маҳкам ушлаб, адабиётнинг кенг йўлида етаклаб кетдилар.

Рамз Бобожон бу қутлуғ даргоҳга ниқилобчилар оиласидан келиб кирган эди. Унинг «Бобом билан суҳбат» достонида:

«Менинг бобом Ленинни
кўрган,
Ленин билан суҳбат ҳам
қурган...»

деган мисралар бор.

Шоирнинг бобоси Очил Бобожонов Улуғ Октябрь социалистик революциясининг актив иштирокчиларидан бўлган, Тошкент Эски шаҳар Советининг биринчи раиси сифатида Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун астойдил курашган. Рамз Бобожоннинг отаси Насриддин Бобожонов, аммаси Нажмитдин Бобожонов социализм фронтининг олдинги жабҳаларида курашганлар ва меҳнат қилганлар.

Шоирнинг «Уч қаҳрамон ҳақида баллада»сида шундай ибратли сатрлар бор:

«Замон
беомон,
Замин нотинч,
Ўт чиқса ногаҳон,
Коммунист жабҳада,
Коммунистдан кўрар
жаноблар...
Ҳолбуки,
олдинги жабҳада
Коммунист иксон
тинчликни қўриқлар,
Келажакка берар
шонли йўриқлар,
Тақдир учун,
жаҳон учун
Ҳис этади ўзин
жавобгар!»

Шу ғоя, шу аъмол Рамз Бобожон поэтик ижодини суғоради, унга жанговарлик бахш этади.

Рамз Бобожон шоир сифатида ўнлаб шеърий тўпламларнинг ва «Қадрдон дўстлар», «Бобом билан суҳбат», «Биринчи парвоз», «Оби ҳаёт», «Ҳайёмнома», «Юсуф ва Зулайхо», «Минг бир турна» достонларининг, драматург сифатида «Тогажиялар», «Лўли алданмайди», «Инсу жинс» комедияларининг муаллифидир. Айниқса, унинг устоз Ғафур Ғулом оқ йўл тилаган рубоийлари машҳурдир. У анчагина таржималар ҳам қилган ва булар орасида Александр Твардовскийнинг «Василий Тёркин» поэмаси таржимаси алоҳида ўрин эгаллайди.

Совет ёзувчисининг энг яхши фазилатларини ўзида жам қилган Рамз Бобожон таниқли жамоат арбоби ҳамдир. У республика газета-журнал, нашриётларида кўп йиллар давомида самарали ишлади, кўп йиллардан буён Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг секретаридир.

Шоирнинг:

«Янгидан туғилди ҳамма
нарса ҳам,
Янгича кўринар яқин-
йироқлар...»

деган мисралари бор.

Рамз Бобожон янги даврни зийрак кўз билан кўраги, халқи, Ватани бахтини улуғлаган, коммунизм тантанаси учун ўз илҳоми, ижоди билан астойдил курашаётган баркамол шоирдир.

Шеърим,
дарё бўлиб оқ!
Коммунизм боғларига боқ
янги асримизнинг тонги
отар пайт янги
авлодларга саломимни айт!
Саломимни айт!

Шоирнинг орзу ва аъмоли ана шундай нурли, олижаноб, улуғ. Унинг дарёдай ҳайқириб оқиб турган поэзиясидан миллион-миллион китобхонлар баҳраманд бўлмоқдалар. Машҳур шоир Николай Грибачёв таржимасида рус тилида жаранглаган «Оби ҳаёт» достони эндиликда ўнлаб тилларда халқимизнинг энг бахтли даврон — коммунизм учун курашлари қаҳрамонлигига мадҳия бўлиб янграмоқда.

Шоирнинг ўтли каломи, янги авлодларга саломи ҳамиша янграйди, биз дўстимизга узун умр, тобора жасоратли ижодий парвозлар тилаймиз.

Ҳамид ҒУЛОМ,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, СССР Давлат мукофоти лауреати.

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

Рамз БОБОЖОН.

МЕНИНГ ЛУҒАТИМ

Хазинам,
Дафинам,
Сўз бойлигимсан
Сен менинг минг йиллик
миллий луғатим.
Чиройликлар ичра чиройлигимсан,
Бебаҳо,
донишманд,
нодир бисотим...
Сенсиз этолмайман ўзни тасаввур,
Сенсиз Навоийни кўрардим гунгдай.
Ҳамза сўйлолмаса тутардим маъзур,
Дабдабани қабул этардим мунгдай!
Баригa сен боис —
шодлигимга ҳам,
Ғаму ғуссамга ҳам, тилим,
саводим!
Дард чексам,
дардимга ўзингсан малҳам,
Парвоз этар бўлсам, сенсан қанотим.
Эй, менинг давлатим —
дилим мавжидай,
Тилимнинг авжидай янграган созим...
Тўқайзорга кирган мерган овчидай
Ўлжани мўлжалга олган шоовозим!
Дўстга айтар сўзим сенда беқиёс,
Душманимга эса, балки, кам эмас!
Ҳис-туйғу кўзида ёнар эҳтирос,
Тафаккур қалбида уйғотиб ҳавас...
Сени варақласам нуқталар аниқ,
Она еримиздай жозибанг кучли...
Сени осмон десам, юлдуздай ёниқ
Қутлуғ сўзлар —
Ленин,
қардошлик,
тинчлик!

* * *

Қоя тош бағрида оташдай бир гул
Тошни эритгудай оларди нафас.
Кўзимга чалинган гулми ё кўнгил!
Кўзимга чалинган ишқми ё ҳавас!

Қоя тош бағрида шамол, тўпалон,
Табиат қаҳрига гул берар бардош.
Тоғу тошни ёриб чиққандай вулқон,
Ё кўкдан узилиб тушгандай қуёш...

Қоя тош бағрида гала ва гала —
Оқ булут учарди, ёғарди ёмғир,
Камалак ёнарди — кўк, қизил, малла...
Осмон нур аралаш ёмғирга ғалвир...

Қоя тош бағрида муҳаббат бордай
Ёпишиб ётарди унга ошиқ гул,
Қалбида садоқат сўнмас виқордай,
Ёвузлик юзланса, бош эгмас,
мағрур!

Қоя тош бағрида турардим мен ҳам,
Ажиб бир лавҳага бўлгандай гувоҳ;
Қаттиқ ерни қазиб чиқарди кўклам,
Севгидан огоҳ!

ОҚ ҚОҒОЗ

Оқ қоғозга боқиб, ўйга ботаман
Умрим саҳифаси бўлади аён.
Баъзан қувончимдан қаҳ-қаҳ отаман,
Баъзан қийналаман,
дил тўла армон...

Тафаккур карвони саф тортиб келар,
Иззатин англамоқ бурчимдир менинг.
Гоҳ туйғулар тутқич бермасдан елар,
Хаёл уфқлари очилганда кенг.

Оқ қоғозга қалам урмайман шошиб,
Дейдилар: «ёзмоқдан, ўчирмоқ мушкул».
Мисралар келганда баъзан қалашиб,
Ярақлиси қолар —
қайроқи, учқур...

Йиллар ўтиб, тилга кирар оқ қоғоз,
Ушанда елғонни яшириб бўлмас!
Наҳотки, рост гапга керакдир пардоз,
Бепардоз айтилган ҳақиқат ўлмас!

Оқ қоғоз кутади ҳурмат,
эътибор...
Оқ қоғоз ҳамдардим,
кўнгил дафтарим.
Тиниш белгиларим аскардай ҳушёр,
Сарлавҳалар эса чинни каптарим.

Оқ қоғоз тортади меҳригиёдай,
Қалбимдан,
севгимдан сингийди сўзим.
Мисралар оқади тубсиз дарёдай,
Мисралар қатида яшайман ўзим!



Тошкент давлат циркида совет цирк санъати усталарининг янги гастроллари бошланди. СУРАТДА: цирк усталарининг янги томошаларидан лавҳалар.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ ва **С. МАҲКАМОВ** фотолари.

САФАРБАР САҲНА

ТОШКЕНТДА ТАТАРИСТОН ДАВЛАТ ДРАМА ВА КОМЕДИЯ ТЕАТРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Бу театрни мамлакатимизда яхши билишади. У жуда кўп қардош республикаларда, шаҳарларда гастролда бўлган. Масалан, Ленинград, Ульяновск, Свердловск, Куйбишев, Волгоград каби шаҳарларнинг санъат мухлислари театрни ўзларининг қадрдон театрлари каби қадрлашади, севишади, ҳар бир ижодий сафарини орзиқиб кутишади. Бу катта эътироф, албатта.

Гап Татаристон давлат драма ва комедия театри ҳақида бормоқда. Театр ҳозир Тошкентда гастролда. Пойтахтимиздаги «Ёш гвардия» театри мана бир неча кундирки, қардошларимиз ихтиёрига бериб қўйилган. Татаристонлик санъаткорлар Тошкентга репертуарларидаги энг яхши спектаклларни олиб келишди. «Хўжа Насриддин», «Қора юзлар», «Ҳар қушнинг ўз уяси бор», «Ёвойи ғозлар изидан» каби драма ва комедиялар шундай асарлардан. Спектакллардаги асосий ролларни театрнинг тажрибали, оригинал ижрочилиги билан халқ ўртасида машҳур актёр-актрисалари, шунингдек, истъдодли ёшлари ижро этишмоқда.

Тошкентлик санъат мухлислари Хўжа Насриддин ҳақидаги фильмни аллақачон кўришган. Яқинда Тошкент давлат оперетта театрида у тўғрида янги спектакль томоша қилинди. Иккала асар ҳам мароқли, оригинал, Насриддин ва унинг сарғузаштларига муносиб. Экран ва саҳна орқали Афандига янада яқинроқ бўлиб қолган мухлислар, турган гап, қардошларимиз спектакллига катта қизиқиш билан тушишди. Тўғрироғи, «Хўжа Насриддин бу ерда қандай?», деган савол бор эди уларнинг ҳар бирида. Томошабинларимиз театр залидан хурсанд бўлиб чиқишди. Чунки, улар татаристонлик санъат усталари ижросида ўзига хос Хўжа Насриддинни кўришган эди...

Спектаклнинг ютуғи бу билан кифояланиб қолмайди. Асосий муваффақият шундаки, таниқли драматург Н. Исанбет комедияси асосида яратилган бу саҳна асари бош қаҳрамони тимсолида халқнинг мангу донишмандлиги муносиб мужассамланган. Актёр Н. Шайхетдинов Хўжа Насриддинни пухта англаб, тушуниб ўйнайди. Шу боисдан унинг ижросида зўрма-зўракиликни, сунъийлик ёки сохталикни кўрмайсиз. Ижрочи ўйинида моҳир актёрга хос талқин, ўй-фикрларида замонавий артистга хос билимдонлик бор. Учрашувлардан бирида актёрдан «Хўжа Насриддинни яхши яратдингиз, муваффақиятингиз сирини шахсан ўзингиз қандай изоҳлайсиз?», деб сўрашганида, у, «муваффақиятим сирини билмадим-у, лекин мен Насриддинни эмас, Насриддин мени янги бир актёр қилиб яратганини яхши биламан», деб жавоб берган эди. Бу гапда ҳам катта маъно ва ҳақиқат бор.

Театрнинг ижодий юксалиши, ютуқлари ҳақида гапирганда биринчи навбатда ажойиб режиссёр, Татаристон АССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Абдулла Тўқай номидаги республика Давлат мукофоти лауреати Равил Раҳимович Тумашев номини алоҳида ҳурмат билан тилга олмоқ керак. Коллектив эришган жуда кўп муваффақиятлар шу моҳир санъаткор номи билан боғлиқ. Худди шу режиссёр раҳбарлигида театр республиканинг етакчи театрларидан бирига айланди. Санъатшунослар Р. Тумашев саҳналаштирган спектакллар оригинал режиссураси, илгари сурган ғоясининг тиниқлиги, ёрқинлиги билан ажралиб туришини бир овоздан эътироф этишади. Театр тарихи билан қизиқар эканмиз, жаҳон классикаси ва совет драматургиясининг бир нечта нодир намунаси Равил Тумашев раҳбарлигида саҳнага чиққанлигидан ғоя бўлдик. Моҳир режиссёр саҳналаштирган ана шу масъулиятли асарлар бизнинг ижодий ўсишимизда, камолотимизда қимматли роль ўйнади, дейди театрнинг бугунги таниқли актёр ва актрисалари. Ҳақиқатан ҳам шундай. Буюк драматурглларнинг Р. Тумашев журъати билан репертуарга киритилган асарлари артистлар учун бебаҳо мактаб бўлди. Қимматли томони шундаки, режиссёр ана шу драма ва комедиялардаги асосий ролларни журъат билан, қўрқмасдан, иккиланмасдан талантли ёшларга топширди. Шогирдлар ҳам устоз ишончини оқлашди. Театр репертуарида катта маданий воқеа бўлган, оригинал актёр ва актрисаларни кашф қилган спектакллар пайдо бўлди. Бу асарларнинг кўпи ҳозирга қадар саҳнадан тушгани йўқ.

Режиссёр Р. Тумашевга хос бўлган муҳим ижодий фазилатлардан яна бири шундаки, у қардош республикалар драматургияси билан мунтазам қизиқиб боради, маъқул бўлганларини албатта саҳналаштиради.

Таниқли санъаткор гастролдан хурсанд. Бу ижодий сафарни анчадан бери кутар эдик, дейди у, биринчидан, Тошкентда жуда кўп машҳур ҳамкасбларимиз бор, улар сўнгги йилларда қатор образлар яратишганидан хабардормиз, шуларни кўриш, тажрибалари билан ўртоқлашиш керак эди. Иккинчидан, Ўзбекистон Аброр Ҳидоятов, Шукур Бурхонов, Сора Эшонтўраева, Лутфихоним Саримсокова, Наби Раҳимов каби буюк актёр ва актрисалар юрти. Бу санъаткорларнинг ҳар бири мактаб яратган. Қолаверса, Ўзбекистон театрларида кейинги йилларда қатор оригинал асарлар саҳналаштирилди. Биз буларни фақат эшитганмиз, кўрганимиз йўқ. Уларнинг муаллифлари билан учрашиш, фикрлашиш фақат ва фақат фойда беради. Гастролимиз ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан бўлган ўзаро ижодий алоқамизни янада мустаҳкамлашига, кучайтиришига ишонамиз. Ҳозирги замон театр саҳнаси сафарбар саҳна. У партия қарорларида қайд этилган эзгу ғояларни, халқнинг орзу-умидларини, илғор туйғуларини тараннум этиши керак. Шундай мақсад йўлида ижод қилаётган театримиз коллективи Ўзбекистон гастролидан хурсанд.

Биз оригинал асарлари билан республикамиз жамоатчилигини, санъат мухлисларини мамнун этаётган Татаристон давлат драма ва комедия театри коллективига янги ижодий зафарлар тилаймиз.

Ю. БЕРДИЕВ.

Суратда: Татаристон давлат драма ва комедия театрининг «Хўжа Насриддин» спектаклидан бир кўриниш.

К. Ромеев фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

НАВОИЙ АСАРЛАРИ НАШР ЭТИЛМОҚДА

Алишер Навоийнинг Тошкентда сақланаётган қўлёзмаларини Афғонистонда нашр этишга қарор қилинди. Ўзбекистон олимлари бу қўлёзмаларни нашрга тайёрлашга киришдилар. Дўст мамлакатда буюк шоир ижодини ва у яшаган даврни ўрганишнинг ўн йиллик программасида ана шу қўлёзмаларни эълон қилиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Фанлар академияси қўлёзмалар институтининг директори, филология фанлари доктори А. П. Қаюмов ана шу программага бағишлаб Кобулда ўтказилган илмий конференцияда қатнашган эди. У қуйидагиларни ғаириб берди: Афғонистонда бу программанинг амалга оширилишига жуда катта аҳамият берилмоқда. Навоий ижодини ўрганиш кенг масалалар комплексини ўз ичига олади. Шоирнинг ҳамма асарлари дарий, пушту тилларида нашр этилади ва жаҳондаги турли мамлакатларда унинг ижодини ўрганиш юзасидан олиб борилган тадқиқотлар шу тилларга таржима қилинади. Программада Навоийга замондош шоирларнинг ижодини ўрганиш ва уларнинг асарларини Афғонистон тилларига таржима қилиш кўзда тутилади. Бу иш ҳозирдаёқ амалга оширила бошланди — таниқли совет шарқшуноси В. В. Бартольднинг «Мир Алишер ва сиёсий ҳаёт» китоби пушту тилида эълон қилинди.

Тошкент олимлари ўзбек текстларини тайёрлашда қатнашадилар. Чунки бебаҳо дурдоналар — Навоий ҳаёт вақтидаги «Девон» ва «Хамса» қўлёзмалари фақат бизнинг республикамизда сақланмоқда. Афғонистоннинг миллий архиви Навоийнинг ўзбек тилидаги шеърлари тўплами ва олтита достони билан фахрланади. Ўзбек навоийшуносларининг текстларни нашрга тайёрлашлари, беш юз йил муқаддам яратилган кўпгина асарлар мазмунини баён этишлари ҳам зарур.

С. ФРОЛОВА,
ЎзТАГ мухбири.

ЎЗБЕК ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ АФҒОНИСТОНДА

Тошкент давлат республика қўғирчоқ театрининг гастроллари Афғонистон пойтахтида муваффақиятли давом этмоқда. Спектакллар Кобул драма театрининг биносида қўйилмоқда.

Тошкент театри ўзбек халқ эртаклари асосида яратилган учта болалар қўғирчоқ спектакли: «Семурғ», «Олабўжи» ва «Чавандоз қиз» спектакларини олиб келган. Спектакларнинг ҳаммаси афғонларнинг она тили—дарий тилида кўрсатилмоқда.

Совет Ўзбекистонидан келган артистларнинг спектакллари — Афғонистон пойтахтининг маданий ҳаётида, айниқса кўпгина жажжи кобулликлар ҳаётида муҳим воқеадир, дейди афғон театрининг директори Х. Жалия. Бу — афғон ва совет маданият ходимлари дўстлигининг яна бир ёрқин саҳифасидир.

(ТАСС).

Кобул.

Шашка:

БИРИНЧИ ГРОССМЕЙСТЕР

Украина пойтахтида рус шашкаси бўйича ўтказилган мамлакат чемпионати самарқандлик моҳир шашкачи М. Фозиловнинг ғалабаси билан якунланди. Киевдан зафар билан қайтган мамлакат икки марта чемпиони Маркиел Фозилов билан унинг устози, СССР спорт мастери Борис Канишчикер «Совет Ўзбекистони» мухбири билан суҳбатлашди.

— Чемпионат иштирокчиларнинг состави ҳақида гапириб берсангиз?

ФОЗИЛОВ: — Чемпионлик учун курашга энг кучлилар йиғилишди. 18 нафар шашкачидан тўрт нафари гроссмейстер бўлса, шунчаси спорт мастери эди. Уларнинг аксарияти турли йилларда чемпион бўлишган. Ана шундай спортчилар сафида куч синашиш осон бўлмади, албатта.

— Бу йилги чемпионат ўйинларнинг тартиби ҳақида нималар дея оласиз?

КАНИШЧИКЕР: — Бу сафар мусобақа иштирокчиларидан ҳар иккиси микроматч деб юритилувчи учрашувда беш соат мобайнида оқ ва қора доналар билан ўзаро баҳслашди. Учрашув якуни эса ана шу икки шашкачининг ўзаро баҳси натижаларига қараб белгиланди. Албатта, ўзаро баҳсда қўлга киритилган муваффақиятлар «катта очко» билан баҳоланди. Лекин «кичик очко»лар, яъни икки рақибнинг ҳар бир учрашувдаги қўлга киритган натижаси ҳам аҳамиятини йўқотмади. Чунончи, турнир якунида бир қанча шашкачи бир хил натижани қўлга киритиб қолса, «кичик очко»ларнинг кўплиги ҳисоба олинди. Бу йилги чемпионатнинг ўтган йилдагидан фарқи шундаки, шашкачилар ўртасида қуръа ташланмай, оддий жадвалдан фойдаланилди.

— Чемпионатда бундай тартибнинг қўлланилиши сизларга маъқул келдими?

ФОЗИЛОВ: — Умуман олганда, мусобақа бошлангунча ўтган йилги тартибни ихтиёр этдим. Чунки қуръа ташланганда ўзинг билган рақибга қарши ҳозирланиш учун имконият бўларди. Кейин билсам, ҳар бир тур олдидан жадвал бўйича ўз рақибингга қарши шай бўлиб олишлик ҳам чакки эмас экан. Шу жиҳатдан қараганда, чемпионатнинг бу йилги тартиби менга кўпроқ фойда келтирди, десам бўлади.

КАНИШЧИКЕР: — Мусобақа бошида Фозилов билан кишиневлик Соколовскийлар дастлабки уч тур ўйинларида икки яримтадан очко тўплаб, пешқадам бўлиб олдилар. Лекин тўртинчи турда кишиневлик шашкачи москвалик Куклееводан устун келиб, мавқеини яхшилади. Шогирдим эса Овечкин билан дуранг қилди. Шу тариқа Соколовский саккизинчи турга қадар пешқадамликни бой бермади. Фозилов билан Соколовский ўртасидаги учрашувнинг нима билан тугаши кўпчиликни қизиқтирарди. Масъулиятли ўйинда ҳамюртимиз кўтарилиш руҳда дона суриб, рақибини доғда қолдирди. Шу кундан бошлаб чемпионат охиригача Фозилов ягона пешқадам бўлиб келди. У, 17 имкониятдан 11,5 очко тўплаган ҳолда маррага етди. Шундай қилиб, самарқандлик йигит кетма-кет иккинчи марта СССР чемпиони бўлди. Гроссмейстерлик нормативини бажарди. Айни пайтда, Қозоғистон ва Ўрта Осиёда биринчи гроссмейстер унвонига сазовор бўлди. Мамлакатнинг тўрт марта чемпиони ленинградлик гроссмейстер В. Литвинович голибдан ярим очкога орқада қолди. Бокулик Б. Симонян ҳам иккинчи натижа кўрсатган эди. Фақат коэффициентлар ҳисобида бокулик спортчига иккинчи ўрин лойиқ кўрилди. В. Габриелян (Боку), М. Соколовский ва А. Кандауров (Москва)лар қолган ўринларни эгаллашди. Юқорида номлари қайд этилган беш шашкачи келаси йил СССР чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди.

— Чемпионат ўйинлари олдидан қандай режаларни кўзлаган эдингиз?

ФОЗИЛОВ: — Сирасини айтсам, ҳеч бўлмаганда фахрли ўринларга кўтарилувчи уч шашкачи қаторида бўлишни кўзлаганман. Қолаверса, гроссмейстерлик талабини иккинчи марта бажариш билан мақсадга эришишни ўйлаб кўйгандим. Лекин мусобақада ишлар олдинга босиб, омад келди. Чемпионатнинг олтин медали билан ҳақли равишда фахрланаман. Гроссмейстерлик унвоним эса нур устига аъло нур бўлди. Бу ҳаммаси устоз сабоқларининг самарасидир.

КАНИШЧИКЕР: — Шогирдим бироз камтарлик қилянти. Мақсад битта, у ҳам бўлса иккинчи марта мамлакат чемпиони бўлиш билан мақсадга эришмоқлик эди.

— Қобилиятли шогирдингиз, чемпионат голиби ҳақида қандай фикрдасиз?

КАНИШЧИКЕР: — Фозиловнинг қўлга киритган муваффақияти кўпчиликни мамнун этганлиги табиий. Мен унинг мамлакат чемпиони сифатида навбатдаги баҳсларда кўнгилдагидек куч синашганини алоҳида таъкидлашни истардим. Чунки, бундай пайтда ҳар ким ҳам талаблар даражасида бўлмайди. Албатта, ютуқ тасодифий эмас. Зеро, Фозилов 1969 йили, эндигина 15 баҳорни кўрган пайтида Самарқанддаги 26-мактаб командаси составида пионерларнинг Бутуниттифоқ «Мўъжиза-шашка» мусобақасида ғалаба қозониб назарга тушган. Ўша йили у катталар ўртасида илк бор Ўзбекистон чемпиони бўлди. Орадан олти йил ўтгач, СССР чемпионатида иккинчи, яна икки йил ўтгач тўртинчи ўринни эгаллади. Кейин Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикалари чемпионатининг голиби бўлди ва «Самарқанд юлдузлари» Бутуниттифоқ турнирида мамлакат чемпиони В. Литвинович билан биринчи ўринни баҳам кўрди. Ўтган йили эса СССР чемпионатининг олтин медалини кўксига тақиб, биринчи марта гроссмейстерлик талабини бажарди. Умуман, ўз шогирдимдан жуда мамнуман. Қилинган меҳнат зое кетмади, ишончим оқланди.

— Чемпионнинг эндиги режалари қандай?

ФОЗИЛОВ: — Аввало, бироз дам олиш керак. Сўнг ҳамшаҳарларим билан Ўзбекистон XIX Спартакиадасига тайёргарлик кўришни бошлайман. Келаси йили республика чемпионати ҳамда Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари чемпионатида қатнашишни кўзлаб турибман. 1982 йилнинг охирида эса яна мамлакат чемпионатида қатнашиб, эришилган зафарни мустаҳкамлашга ҳаракат киламан.

Сизларни «Совет Ўзбекистони» газетаси спорт мухлислари номидан қўлга киритилган катта ғалаба билан қизғин қутлаймиз. Сизларга Ўзбекистон, қоларса, мамлакатимиз спорт шарафини бундан ҳам муваффақиятли ҳимоя қилишингизга тилакдошмиз.

СПОРТ

БАҲСЛАР, МАРРАЛАР, ГОЛИБЛАР

* **ШАХМАТ.** Фрунзеда олий лига вакилларининг мамлакат чемпионатида 11-тур ўйинлари бўлиб ўтди. Мусобақада моҳирлик билан ўйнаётган тошкентлик Г. Аъзамов бу сафар пешқадам Г. Каспаров билан баҳслашди. Учрашув томонларнинг розилиги билан дуранг бўлди. Ҳозир Г. Каспаров 7,5, О. Романишин билан Л. Псахис 6,5, Г. Аъзамов (унинг ҳисобида бир кечиктирилган ўйин бор) билан В. Тукмаковлар 5,5 тадан очко билан олдинда боришмоқда.

* **ФУТБОЛ.** Европа кубоклари учун курашнинг чорак финалида иштирок этадиган командалар ўртасида қуръа ташланди. Киевлик динамочилар чемпионлар кубоги учун учрашувни ўз майдонларида Англиянинг «Астон Вилла» клуби билан ўтказадилар. Кубок эгалари кубоги учун курашаётган Тбилиси динамочилари эса биринчи учрашувни сафарда Польшанинг «Легия» командаси билан ўтказадиган бўлишди. Учрашувлар 3 ва 17 март кунлари бўлади.



Суратда: Чимён тоғидаги осма-арқон йўлининг умумий кўриниши.

Г. Пун фотоси. (ЎзТАГ).

КИШКИ ДАМ ОЛИШ МАВСУМИ

ЧИМЁН БАҒРИДА

Республика пойтахти яқинидаги Чимён тоғи этаклари бугун ўзгача манзара касб этган. Сервиқор қоллар, арчазорлар ва текис қияликлари момиқ қор қоплади. Бу ерда чанғи ва чанада учиш, мусаффо ҳавода сайр этиш учун барча шароитлар яратилган. Осма-арқон йўллар тепалиққа чиқишни осонлаштириб, манзилни яқин қилади. Янги мавсумга медицина ва қутқарув ходимлари ҳам пухта ҳозирлик кўришди.

Дам олиш зонасидаги кўп қаватли меҳмонхона комплекси фойдаланишга топшириш учун тахт қилиб қўйилган. Шаҳарликлар бу ердаги кино-концерт залида томошалар кўриб, замонавий ресторан хизматидан баҳраманд бўладилар. Чанғи ва чаналарни ижарага бериш пунктларининг иши ҳам яхши йўлга қўйилди. Транспортлар учун алоҳида жой ажратилган. Уста пазандалар маданий хизмат кўрсатишга шай бўлиб турибдилар.

Неча Чимён бағри дам олувчилар билан илк бор гавжумлашди. Бу ерда Тошкентнинг Киров райони меҳнаткашлари ва «Буревестник» спортчиларининг ташриф буюриши билан қишки дам олиш мавсуми бошланди. Келаси дам олиш кунлари Чилонзор райони меҳнаткашлари Чимёнга йўл оладилар. Мавсум мобайнида бир неча минг кишининг ҳордиқ чиқариши кўзда тутилган.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Зарядкага сафланинг. 10.00 — Концерт. 10.25 — Будильник. 10.55 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.55 — Здоровье. 12.40 — Тонгги почта. 13.10 — Қишлоқ янгиликлари. 14.10 — Мусиқали киоск. 14.40 — Кинозавод. 14.50 — Кечиккан севги. Фильм-спектакль. 17.05 — Киносаҳнатчилар клуби. 18.05 — Фигурали учиш бўйича халқаро мусобақалар. 18.35 — Мультфильмлар. 19.50 — Мусиқали программа. 19.35 — Халқаро панорама. 20.20 — 1981 йил қўшиқлари. 21.30 — Время. 22.00 — Фигурали учиш бўйича халқаро мусобақалар. Кўргазмали чиқишлар. 22.00 — Волейбол. Европа чемпионлари кубоги. ЦСКА — «Младость» (Югославия). 00.30 — Янгиликлар.

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 — Кинопрограмма. 10.35 — Камалак. 10.55 — Қишлоқ кўзгулар қироллиги. Бадиий фильм. 12.25 — Халқ оҳанглари. 12.40 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 13.40 — Ҳужжатли фильм. 14.40 — Концерт. 17.55 — Илмий-оммабоп фильм. 18.10 — Кундан кунга. Телеспектакль. 19.25 — Волейбол. Кубок эгалари кубоги. Динамо (М) — ИИМ (Венгрия). 19.55 — Ҳужжатли фильм. 20.15 — 9-студия. 21.15 — Хайран тун, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Бадиий фильм. 23.15 — Адабий ўқиш.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Ҳужжатли фильм. 10.25 — Баршаба тароначи. Телеспектакль. 11.40 — Мультфильм. 12.00 — Қўнғиз стартлар. 13.00 — Ешлик. 14.00 — Болалар учун фильм. 15.15 — Ўзбекистон спорти. 15.45 — Реклама. 16.05 — Бирлигимиз шодон қадам ташлаймиз. 16.35 — Санъат гулчанбари. 19.00 — Фильм-концерт. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Телеминитонатар. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Порлоқ келажакка чорлаб. Бадиий фильм. 16.00 — Фрунзе кўрсатувлари.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 6.30 — Лирик концерт. 9.15 — Табассум. 11.30 — Р. Собирова ва Э. Қандов куйлайди. 12.15 — Москва. «Кўриқ». Л. И. Брежневнинг шу номли китоби асосида СССР Давлат академик Малий театри спектаклининг радиокомпозицияси. 14.05 — Беш йиллик илгорлари ҳақида ҳикоялар. 15.40 — Театр микрофон олдида. 18.15 — Спорт программаси. 19.25 — Микрофон олдида Қ. Юсупов ва Ҳ. Исроилова. 20.15 — Ўзбек куйларидан концерт. 21.00 — Партия турмуши. 21.10 — Радиотингловчиларнинг талабларига биноан концерт. 22.30 — В. Саъдулла шеърлари ёшлар айтиладиган қўшиқлар. 23.15 — Дам олиш концерти.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/XII да Оқ танилар (12.00), Гурунг (19.30). 15/XII да Келинлар кўзголони.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 13/XII да Гулсара.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — янги программа. Совет цирки усталарининг гастроллари (16.00, 19.30).

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ТЕХНИКУМИ

олти ойлик (январдан), уч ойлик (мартдан) ва ойлик (июлдан)

ТАИЁРЛОВ КУРСЛАРИГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Бошқа шаҳарликларга ётоқхона берилмайди.

Техникум адреси, 700167, Тошкент шаҳри, Саркиёнская кўчаси, 3-уй (39, 91-автобусларнинг «Темир йўл транспорти техникуми» бекати). Телефонлар: 39-28-25, 32-40-85.

БИЗНИНГ СУҲБАТ

КАДРЛАР ЎЧОҒИ

Тошкент ҳисоб-кредит техникуми мана 50 йилдирки, республикамиз халқ хўжалигига малакали кадрлар етказиб бермоқда. Коллектив ўзининг эрким асрлик тўнига муносиб совғалар билан келди. Техникум директори А. Абдуллаев мухбиримизга билим масканн босиб ўтган шонли йўл ҳақида гапириб берди.

— СССР Давлат банкининг ҳисоб-кредит техникуми 1931 йилда ташкил этилган. Дастлаб бу ерда тўққиз ўқитувчи, шу жумладан, тўрт олий маълумотли мутахассис бўлиб, талабалар ҳам кам эди. Техникум илк битирувчилари — олтмиш мутахассисга 1935 йили ишлаб чиқаришга йўлланма берди.

Эндиликда техникумимиз йирик билим даргоҳларидан бирига айланди. Ҳозирги кунда қирқдан ортиқ малакали ўқитувчи талабаларга пухта билим берялти. Ўқувчилар сони ҳам ошди. 1981 йили техникумни 238 киши битирди. Умуман, техникум ташкил этилганидан буён республикамиз молия-кредит системаси учун 11 мингдан ортиқ малакали мутахассис тайёрлаб берди. Ҳозирги пайтда улар республикамизнинг завод ва фабрикаларида, колхоз ва совхозларида, турли муассасаларда самарали ишламоқдалар. Техникумимизни муваффакиятли тугатиб, халқ хўжалигида меҳнат қилаётганлар орасида турли рахбарлик лавозимларида ишлаётганлар ҳам бор.

Билим даргоҳимиз моддий-техника базаси кейинги пайтда ҳар томонлама ўсди. Кабинетлар, лабораториялар, аудиториялар замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бу ерда 1976 йилда ихтисослаштирилган банк ишга туширилди. Шуниси қувончлики, талабалар олган назарий билимларини банкдаги практикада мустаҳкамлайдилар, бу ердаги малакали мутахассислардан касб сирларини пухта ўрганадилар. Билим юртининг педагогик коллективи ўқувчиларга чуқур билим берялти. Ш. Гилязов, Х. Мирақмедов, В. Хон, М. Ирицпухова, А. Пицко, С. Шамсуддинов, Б. Керчман сингари моҳир педагоглар кўпчиликка ўрнак бўлишяпти. Улар талабаларга билим чўққиларини пухта эгаллаш, моҳир молия ходимлари бўлиб етишишларида асосий роль ўйнамоқдалар.

Коллективимиз шу кунларда СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун астойдил ҳаракат қиляпти. Биз бундан буён ҳам халқ хўжалигига малакали кадрлар етказиб бериш сифатини янада оширамиз.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

Меҳнат ҳуқуқи

ЭНЦИКЛОПЕДИК ЛУҒАТ

Меҳнат натижаларининг яхши бўлиши, коллективдаги соғлом кайфият кўп жиҳатдан ҳар бир ишчи, ҳар бир ходимнинг онглилик даражасига, хусусан, меҳнат қонунларини қай даражада билишига ҳам боғлиқ. Бинобарин, меҳнатни тўғри ташкил этиш, уни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш давлат аҳамиятига молик муҳим масаладир.

Лекин ҳатто айрим меҳнат коллективларининг раҳбарлари ҳам меҳнат ҳуқуқи билан боғлиқ баъзи масалаларни яхши билишмайди. Шунинг оқибатида кимдир ишдан нотўғри бўшатилиб, жабр кўради, кимдир ноўрин равишда меҳнат мукофотидан маҳрум бўлади, кимдир иш ҳақини ёки меҳнат отпускасини ўз вақтида ололмай юради. Пенсия таъминоти бўйича ҳам баъзан мавжуд қонун-тартиблар ва ҳатто амал қилинмайди. Шу сабабдан бўлса керак, айрим кишилар тегишли юридик идоралардан ташқари редакцияларга ҳам мурожаат қилиб, меҳнат ҳуқуқи билан боғлиқ саволларга жавоб сўрайдилар.

Меҳнаткашларнинг мана шундай эҳтиёж ва истакларини ҳисобга олиб Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси яқинда «Меҳнат ҳуқуқи» энциклопедик луғатини нашр этди. «Советская энциклопедия» нашриётининг тўртинчи нашридан тўлдирилиб ва қайта ишланиб таржима қилинган мазкур китобда меҳнат қонунчилигига оид асосий маълумотлар, муҳим тушунча ва терминлар алфавит тартибида жамулжам бўлган. Бу ўзбек тилидаги биринчи тармоқ энциклопедиясидир.

Мажмуада 1000 га яқин мақола бор. Улар асосан совет меҳнат ҳуқуқи ва социал таъминоти ҳуқуқи масалаларидан амалий-ахборот характерида лўнда, аниқ маълумот беради.

Энциклопедия янги СССР Конституцияси, КПСС XXVI съезди материаллари асосида директив органларда қабул қилинган меҳнат қонунчилигидаги сўнгги муҳим янгиликларни ҳам қамраб олган. Таржима жараёнида айрим мақолалар Ўзбекистон ССР Меҳнат қонунлари кодекси асосида ўзгартирилган, янги норматив актлар билан тўлдирилган ёки кенгайтирилган. Шунингдек, китобга Ўзбекистоннинг меҳнат ҳуқуқи билан боғлиқ баъзи мақолалар киритилган.

«Меҳнат ҳуқуқи» энциклопедик луғати партия, совет, касаба союз активларига, халқ судьялари, прокурор, адвокатларга, корхона, муассаса раҳбарлари, кадрлар бўлимларига, шунингдек кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика сув хўжалиги, совет органларида кўп йил, самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига эллиқ йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ишлар мудирлиги бўлим мудирининг ўринбосари ўртоқ Владислав Иванович Легошинга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ирригатор» фахрий унвони берди.

АХБОРОТ

БАЛИҚ КУПАЯДИ

Жанубий Орол — Мўйнок районида балиқчиликни ривожлантиришда бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Сунъий кўллар яратиш, уларнинг термокларини кенгайтириш ҳисобидан балиқ овлаш кўлами анча кенгайди.

«Приаралводстрой» трестига қарашли механизациялашган кўчма колонналарнинг қурувчилари, инженер-техниклари Шеге посёлкасида 380 гектарлик балиқ кўпайтириладиган хўжалик қурилишини битказиб, фойдаланишга топширди. Яқин келажакда уларнинг сони анчага кўпаяди.

ЛАУРЕАТЛАР

Адабиёт, санъат, журналистика ва архитектура бўйича 1981 йилда яратилган энг яхши асарлар авторларига Қорақалпоғистон Ленин комсомоли мукофоти лауреатлари деган ном берилди.

Концерт программалари ва ижрочилик маҳоратларини ошира борганликлари учун Шуманай совхоз-техникумининг «Оқсунгил» ансамбли спектаклларидаги ижрочилик маҳорати учун Давлатбой Кеунимжоев, «Бўлар бола беш ёшидан», «Райхон» китоблари учун Алписбой Султонов, «Шакамонда ёз», «Кумдаги ойли тун», «Тонг», «Кўприкча» асарлари учун рассом Омонгелди Ўтегенов Қорақалпоғистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати бўлдилар.

РАВОН ЙЎЛЛАР

Шуманай йўлларни ремонт қилиш бошқармасининг коллективи янги йўллар қуриш, эскиларини эса ремонтдан чиқаришда яхши ишларни амалга оширмоқдалар. Шуманай совхоз-техникумида беш километрлик, Киров номли совхозда 19 километрлик йўл асфальтланди. А. Мусаев номли, Комсомол, Гагарин номли, «Ўзбекистон Компартияси XX съезди» пахтачилик совхозларида ҳам йўл қуриш ва ремонт қилиш ишлари яхши йўлга қўйилган.

Йўл қуриш, йўлларга шағал, тош тўкиш, асфальт ётқизишда М. Оллоёров, М. Дўстқулов, Ж. Ойжақиров каби ўнлаб ишчилар смена нормаларини ошириб бажаряптилар.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҚАТНАШУВЧИЛАР:

Истеъмолчи — мороженоени ҳуш кўрувчи харидор.

Бошлиқ — «Ташхладокомбинат» раҳбарларидан бири.

Назоратчи — республика стандартлар бошқармаси ходими.

Уста — корхонанинг создовчи-технологи.

Муаллиф — комбинатда кўрган, аниқлаганларини оқ қа туширувчи.

ПРОЛОГ

Парда олдида муаллиф.

Муаллиф. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа шу кунларда ўтади. Аммо томошани бошлашдан олдин эътиборингизни яқин ўтмишга, тўғрироғи, етмишинчи йилларнинг бошига жалб этмоқчимиз. Ўша пайтда Тошкентдай шаҳри азимда гўшт маҳсулотларини сақлашга жой топишолмади. У ёққа югуришди, бу ёққа. Хуллас, «Ташхладокомбинат» республика Савдо министрлиги ихтиёрига олиб берилди. Шу ҳақдаги ҳужжатга қўл қўйганлар югуриб елганлардан:

— Яхшилаб ўйлаб кўрдингларми, етти ўлчаб, бир кесдингларми, комбинатни самарали ишлатиш учун «Узмясомолторг» идорасининг етарли моддий-техника базаси, механика заводи борми, ишчи ва мутахассислар тайёрловчи ўқув марказига эгами? — деб бир оғиз ҳам сўрашмади. Уларга:

— Баъзи республикаларда, масалан, Украина ва РСФСРда шундай қилишди, — деган важнинг ўзи етиб ортди.

Орадан кўп вақт ўтгани йўқ. Зўрга инқиллаб-синқиллаб турган комбинатда 1972 йили авария бўлиб, бахтсиз ҳодиса юз берди. Мутасаддилар ташкилотларнинг раҳбарлари пайтавасига қурт тушиб, корхонани реконструкциялаш ва янги фабрика қуришга киришдилар. Бу юмуш кўп эмас, «ниҳоят» саккиз йилга чўзилди. Хўш, шу билан Тошкентда мороженое кўпайиб, харидорлар эҳтиёжи қондирилянтими?

Биринчи кўринш

Бошлиқнинг кабинети. У телефонда ким биландир суҳбатлашмоқда.

Бошлиқ. Тўғрисини айтсам, Москвадан келтиришса, ўшанда мороженоега тўйиб оламан. Ўзимизникининг мазасини татиб кўришга, очиғи, (у ўйланиб, бошини қашийди)... вақт йўқ. Иш кўпда...

Шу пайт хонага оқариб бўзариб истеъмолчи кириб келади. Кийим-боши оппоқ, мороженое юқи.

Истеъмолчи. Сизларда ич соф борми-йўқми?

Бошлиқ (трубкага). Кечирасиз, суҳбатимизнинг белига тепишди. Кейинроқ ўзим қўнғироқ қиламан: Хайр. (Истеъмолчига) Ҳе йўқ, бе йўқ, рухсатсиз кириб, бунинг устига яна дўқ уряпсиз?! Кимсиз, қайси идорадансиз?

Истеъмолчи. Кимлигим, қаерда ишлашимнинг аҳамияти йўқ. Мана, аҳволимга қаранг. Сизлар ишлаб чиқарган мороженоедан сотиб олувдим. Уни оғзимга солганимни биламан, ширр этиб ҳамма ёғимга оқиб кетса бўладими...

АЖАБ САВДОЛАР

ТУЯСИДАН ҚЎНҒИРОҒИ ҚИММАТ

Пролог ва эпилогли бир кўринишли воқеа

Бошлиқ. Ҳеч киси йўқ. Ювса, яна ўз ҳолига қайтади. Битта-яримта браги аралашиб қолибди да.

Истеъмолчи. Битта-яримтамас. Ҳар доим аҳвол шу. Баъзи мороженоеларингиздан ачиган ҳид келади. Тўрт бурчакли ўрама «эскимо»лар шунақанги тошки, тишни синдириши ҳеч гапмас. Айримларини нуқул муздан тайёрлайсизлар шекилли, лукмани каттароқ ютиб юборсанг, совуқлигидан миянг зирқираб кетади. Шоколадли мороженоени гапирмай қўя қолай. Бамисоли анконинг уруғи. Кундузи чироқ ёқиб ҳам тополмайсан. Айтингчи, нега бизда аъло сифатли муқаддамоқлар йўқ?

Бошлиқ. Нега бўлмасин, бор.

Ҳонага назоратчи қириб келганини ҳеч ким сезмайди.

Назоратчи. Йўқ.

Бошлиқ. И-е, сиз қаердан пайдо бўлдингиз? Узр, келганингизни кўрмабман.

Назоратчи. «Ширин» суҳбатларингизга ҳалақит бермай деб, четда турган эдим. Бизларни корхонангизга таклиф этган экансизлар.

Бошлиқ. Ҳа, цехларни кўриб чиқдингизми? Маъқулми? Илгари келганингизда стандарт талабларига жавоб бермаганн учун уч хил мороженоени ишлаб чиқаришни тўхтатган эдингиз. Энди рухсат этасизми?

Назоратчи. Афсуски, йўқ.

Бошлиқ (тарвузи қўлтиғидан тушиб). Сабаб?

Назоратчи. Сизга бир бошдан гапирай. Биз текширган участкаларда на вақт регулятори, на термометр, на монометр бор... Ҳамма иш таваккалига.

Бошлиқ. Ишчиларимизнинг тажрибаси зўр, кўзлари ўткир.

Назоратчи. Бўлмаган гап. Янги фабрикада асосан ёш ишчилар, гўр операторлар ишлашади. Уларга аниқ аппаратлар сув-ҳаводек зарур. Мен мороженое етиладиган иккита идишдаги ҳароратни ўлчаб ўрдим. Ортиқча тўрт даража иссиқлик мавжудлигини аниқладим. Шундай бўлгач, албатта, ачиёнда.

Бошлиқ Тузатамиз.

Назоратчи. Мороженое тайёрлашга кетадиган хом ашёларни ўлчашда ҳеч қандай тартиб йўқ. Ун, ёғ, шакарлар тарозида эмас, балки тарелкада, шиша банкада тахминан ўлчаб солинмоқда. Шундай экан, музқаймоқларнинг нима учун нормадаги 100 грамм ўрнига 80-86 граммдан чиқаришга ажабланмаса ҳам бўлади. Вафель стаканчаларга чирой берадиган конвойлар фосфотитини эса сира кўрмадик.

Бошлиқ. Таъминотчи ташкилотлар анчадан бери юбормай қўйишган.

Назоратчи. Сизга саволим бор. Вафель стаканчалардаги мороженоелар устида нега нархи ёзилган қоғозлар йўқ.

Бошлиқ. Эътибор бермабмиз.

Назоратчи. Ана шу эътиборсизлик давлатга ҳам, харидорларга ҳам қимматга тушяпти. Виждони тешик жиғилдонидан тушиб қолган баъзи сотувчилар 13 тийинли қаймоқли мороженоеларни 20 тийиндан пуллаб, ҳамёнларини қаппайтиришяпти.

Бошлиқ. Аҳволни яхшилаймиз. Янги фабриканинг қувватини лойиҳадаги даражасига етказиб олайлик.

Назоратчи. Яхши эса солдингиз. Уни ишга туширганингизга икки йил бўлянти. Планга кўра, у шу йилнёқ лойиҳадаги даражасига чиқиши, ҳар кеча-кундузда 40 тонна мороженое тайёрлаши керак эди. Амалда эса 20—25 тоннадан ошмаяпти. Натижада шу йилнинг ўтган ўн ойида пландаги 7 минг 600 тонна ўрнига бор-йўғи 6 минг 100 тонна маҳсулот ишлаб чиқардингиз, холос. Ассортимент бўйича планни айтмай қўя қолай. Ўнг «қойиллатиб» барбод этдинглар.

Бошлиқ. Қурувчиларнинг ҳам айби бор-да. (Телефон номерини теради). Алло, менга устани айтиб юборинглар.

Назоратчи. Устангизни ҳали қадоқлаш бўлимида кўргандай эдим. Тиришқоққа ўхшайди.

Бошлиқ. Ҳа. Италиядан келтиришган автомат линияни созлаяпти. Шундай ноёб, серунум линияни ким «иншиқ» деб ўйлапти? Ҳар беш ўн минутда тўхтаб қолади-я. Уста уриниб-суриниб «касал»ини топгунга ўхшайди. Машинанинг музлатиш камерасида совуқ етарли тўпланмаётган, шунинг учун режим доим бузилаётгач эмиш. Камерадаги ҳароратни эса пасайтириш қўлимиздан келмайди.

Назоратчи (ҳайрон). Нима учун?

Бошлиқ (ўх тортиб). Трансформаторимизнинг қуввати кам.

Эшиқдан уста мўралайди.

Уста. Мумкинми?

Бошлиқ. Келавер. Сен қурувчилар билан кўп ишладинг. Қани айт-чи, янги объект сифатидан кўнглинг тўқми?

Уста. Очиғи, йўқ. Масалан, қондага кўра, янги фабриканинг асосий ишлаб чиқариши ёрдамчи хўжаликлар комплексида фойдаланишга топширилиши керак. Бош пудратчиликни зиммасига олган «Главташкентстрой»нинг 15-бошқармасиуларни қуришга шошилмаётганлиги ҳаммаси ҳаҳ-ҳаҳ ва ҳу-ҳу. Оқибатда, сунъий музни Чирчиқдан олиб келяпмиз. Этикетка тайёрлатиш учун қоғоз ва полиэтиленни Киевга жўнатамиз. У ерда қоғозга полиэтилен ёпиштирилгач, Херсонга — рангли этикеткалар босишга юборилади. Фойдаси бир тийин, зарари ўн тийин, деб шуни айтсалар керак. Қозонхона бит-маганлиги туфайли эса маъмурий-маиший корпус бу йил ҳам иссиқсиз қолса керак. Ҳа, яна бир нарса. Метро иккинчи йўналиш эски фабрикамиз ўрнидан ўтаркан. Фабриканинг бузилиши билан боғлиқ масалалар шу пайтгача ижобий ҳал бўлмади.

Бошлиқ. Асосий ишлаб чиқаришдан ҳам хурсанд эмасмиз. Қурувчилар уни қатор-қатор камчиликлар билан топширишган. Мисол учун, канализация системасини олайлик. «Азамат»лар лойиҳада белгиланганн қолиб, бошқа кесимдаги қувурларни ўрнатиб кетишган. Шунинг учун улар тез-тез ифлосланмоқда, шифдан сув ўтиб кетяпти.

Назоратчи. Ҳа, корхонанинг камчиликлари кўп. Уни тузатиш учун қандай конкрет тадбирлар кўриш лозим?

Бошлиқ. Аниқ бир нарса дейишга ҳайронман.

ЭПИЛОГ

Парда олдида яна муаллиф.

Муаллиф. «Ташхладокомбинат» коллективининг план топшириқларни бажара олмаётганининг айрим сабаблари билан таништингиз. Унинг олдида кўплаб муаммолар турибди. Аммо истеъмолчиларни бу нарсалар, важ-корсонлар қизиқтирмайди. Унга хиҳма-хил, аъло сифатли мороженое керак. Ҳа, яна бир нарса. Метро иккинчи йўналиш эски фабрикамиз ўрнидан ўтаркан. Фабриканинг бузилиши билан боғлиқ масалалар шу пайтгача ижобий ҳал бўлмади.

Бошлиқ. Асосий ишлаб чиқаришдан ҳам хурсанд эмасмиз. Қурувчилар уни қатор-қатор камчиликлар билан топширишган. Мисол учун, канализация системасини олайлик. «Азамат»лар лойиҳада белгиланганн қолиб, бошқа кесимдаги қувурларни ўрнатиб кетишган. Шунинг учун улар тез-тез ифлосланмоқда, шифдан сув ўтиб кетяпти.

Назоратчи. Ҳа, корхонанинг камчиликлари кўп. Уни тузатиш учун қандай конкрет тадбирлар кўриш лозим?

Бошлиқ. Аниқ бир нарса дейишга ҳайронман.

ЭПИЛОГ

Парда олдида яна муаллиф.

Муаллиф. «Ташхладокомбинат» коллективининг план топшириқларни бажара олмаётганининг айрим сабаблари билан таништингиз. Унинг олдида кўплаб муаммолар турибди. Аммо истеъмолчиларни бу нарсалар, важ-корсонлар қизиқтирмайди. Унга хиҳма-хил, аъло сифатли мороженое керак. Ҳа, яна бир нарса. Метро иккинчи йўналиш эски фабрикамиз ўрнидан ўтаркан. Фабриканинг бузилиши билан боғлиқ масалалар шу пайтгача ижобий ҳал бўлмади.

Бошлиқ. Асосий ишлаб чиқаришдан ҳам хурсанд эмасмиз. Қурувчилар уни қатор-қатор камчиликлар билан топширишган. Мисол учун, канализация системасини олайлик. «Азамат»лар лойиҳада белгиланганн қолиб, бошқа кесимдаги қувурларни ўрнатиб кетишган. Шунинг учун улар тез-тез ифлосланмоқда, шифдан сув ўтиб кетяпти.

Назоратчи. Ҳа, корхонанинг камчиликлари кўп. Уни тузатиш учун қандай конкрет тадбирлар кўриш лозим?

Бошлиқ. Аниқ бир нарса дейишга ҳайронман.

ЭПИЛОГ

Парда олдида яна муаллиф.

Муаллиф. «Ташхладокомбинат» коллективининг план топшириқларни бажара олмаётганининг айрим сабаблари билан таништингиз. Унинг олдида кўплаб муаммолар турибди. Аммо истеъмолчиларни бу нарсалар, важ-корсонлар қиз

ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕСИ
МЕҲНАТКАШЛАР МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ ЎТКАЗИЛАДИ

60 ЙИЛ Госстрах

НИКОҲ-ШОДИЁНА СТРАХОВАНИЕСИ

Страхованиенинг бу турида кўзланган мақсад — болаларнинг ота-оналари ҳамда бошқа қариндошларига маълум миқдорда жамғарма тўплашда ёрдам кўрсатишдан иборатдир. Тўпланган жамғарма йигит ёки қизга страхование муддати тугагандан кейин никоҳлари қайд этилиш пайтида берилади. Бу жамғармадан уй-хўжалик буюмлари олишда, тўйдан сўнги саёҳат ва бошқа эҳтиёжларда фойдаланиш мумкин.

Фойдасига страхование шартномаси тузилган кишилар 25 ёшгача никоҳламаса, уларга страхование суммасига 21 процент қўшиб берилади.

Страхование муддати страхование шартномаси тузилган кундаги боланинг ёшига боғлиқ, ҳар ойлик страхование бадаллари эса страхование қилдирилган кишининг ёшига, страхование суммаси ва страхование муддатига боғлиқ.

Никоҳ-шодиёна страхованиесини 18 ёшдан 75 ёшгача бўлганлар (ота-оналар, буви, бобо, хола, амаки, ака ва опалар) тузишлари мумкин.

Болаларнинг соғлиғи қондада кўзда тутилган жароҳат ёки бошқа тасодифлар сабабли ёмонлашса, у ҳолда бу бола страхование қилинган ҳисобланади.

Страхование суммаси шартнома муддати тугагандан сўнг, бадалларнинг ҳаммаси тўлиқ тўланган ёки страхование қилинган бола вафот этганлиги муносабати билан тўланмай қолганлигидан қатъи назар, қайтариб берилади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЧОРВА МОЛЛАРИ ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Уй ҳайвонларини страхование қилиш икки формада — мажбурий ва ихтиёрий формада амалга оширилади.

Ҳайвонлар харид баҳоси қийматининг 40 процентигаҳажмида страхование қилиш мажбурий страхование ҳисобланади. Ихтиёрий страхование шартномаси тузиш билан страхование баҳосини икки баравар ошириш мумкин.

Ихтиёрий страхование бўйича чорва моллар касалланса: ёнғин, портлаш, яшин уриш, электр токи таъсири, офтоб уриш, эпизоотия, бўғилиш, йиртқич ҳайвонлар ҳужуми, заҳарли ўт-ўлан ёки моддалардан тўсатдан заҳарланиш ҳоллари юз берса, илон ёки заҳарли ҳашаротларнинг чақишидан ўлса, ҳайвонлар сувга чўкса, транспорт босиб кетса, ғорга тушиб кетса ёки бошқа жароҳатлардан нобуд бўлса, шунингдек, мутахассис ветеринар ёки қишлоқ Совети депутати кўрсатмасига биноан мажбурий равишда сўйилса, кўрилган зарар тўланади.

Агар Сиз страхование шартномаси тузган бўлсангиз, уни ўз вақтида янги муддатга расмийлаштиришни унутманг.

БОЛАЛАР СТРАХОВАНИЕСИ — БОЛАЛАР ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИКДИР

Ҳурматли ота-оналар!

Болалар — бизнинг келажагимиз. Янги инсоннинг дунёга келиши оилага оламолам қувонч бахш этади. Ота-оналар ўз фарзандлари — ўғил ёки қизларининг юзида биринчи табассумни кўрганларида, уларнинг дастлабки сўзларини эшитганларида, ҳаётга мустақил қадам ташлаганларини кўрганларида ўзларини нақадар бахтиёр ҳис этадилар. Вақт тез ўтиб боради. Ясли, болалар боғчаси, мактабдан олиб келинган биринчи аъло баҳо. Туғилган кунлар ҳам биринкетин нишонланаверади. Ниҳоят алоҳида кун — балоғатга етилган кун етиб келади.

Ўн саккиз ёш — ҳар бир оила ҳаётида қувончли воқеа, чунки худди ана шу кундан бошлаб ўғил ё қизингиз кўпгина ҳуқуқларга эга бўлсада ва янги вазифалар пайдо бўла бошлайди, уларнинг мустақилликлари ҳам ортиб боради.

Шунинг учун ҳам Сиз шодиёна кун узоқ муддат хотирада сақлаб қолинишини истайсиз, албатта. Йигит ёки қизнинг яқин кишилари ана шу кунга яхши совға билан келишни хоҳлайдилар. Агар Сиз олдиндан ҳаракат қилиб қўйган бўлсангиз, яхши совғани тайёрлаш енгил кўчади. Ана шу мақсадда Сизга ҳозирданоқ болаларнинг страхование шартномасини расмийлаштириб қўйишни маслаҳат берамиз. Страхование суммаси страхование қилдирувчи билан Давлат страхованиеси инспекцияси келишувига мувофиқ белгиланади. Лекин унинг миқдори 300 сўмдан кам бўлмаслиги керак. Страхование муддати тугагандан сўнг йигит ёки қизга страхование суммаси келишилган шартнома бўйича тўланади.

Шу билан бирга, страхование қилдирувчи страхование муддати тугашидан камида 15 кун илгари сўнгги страхование бадали тўланган давлат страхованиеси инспекциясига страхование суммаси страхование қилинган болага эмас, балки ўзига берилиши кераклиги тўғрисида ёзма равишда ариза бериш ҳуқуқига эга. Агар шундай ариза белгиланган муддатда берилмаса, страхование суммаси страхование шартномаси тузилган болага берилади.

Страхование шартномасини болаларнинг ота-оналари (фарзандликка қабул қилганлар) ва бошқа қариндошлари тузишлари мумкин. Шартнома тузилаётган пайтда боланинг ёши 15 ярим ёшдан ошмаслиги керак.

Ой сайин тўланадиган бадал боланинг страхование қилиш тўғрисида ариза берилган кунга, страхование муддати, страхование суммаси ва уни тўлаш муддатига қараб белгиланади.

ОЛДИНДАН ҒАМХЎРЛИК ҚИЛИНГ!

ИМОРАТЛАР СТРАХОВАНИЕСИ

Гражданларнинг хусусий мулки бўлган қурилишлар мажбурий страхованиега қўшимча равишда бузилишини ҳисобга олинган ҳолда исталган суммада кўнгилли тартибда страхование қилиниши мумкин. Бунда страхование суммаси қурилишнинг давлат томонидан шу районда жорий этилган қурилиш материаллари, уларни ташиш тарифлари ва иш ҳақи ставкасидан ошмаслиги керак.

Кўнгилли страхование қилиш унинг эгасига қурилишлар ёнғин, портлаш, яшин уриши, сув тошқини, зилзила, бўрон, довул, жала, дўл, тўсатдан ер ости суви чиқиб кетиши, ана шу район учун хос бўлмаган узлуксиз ёмғир ёки қалин қор ёғиши, сел келиши, иситиш системалари, водопровод ва канализация тармоқларининг аварияга учраганлиги, шунингдек, ёнғиннинг кучайишига ёки тўсатдан сув тошқини хавфи туғилганда қурилишларни бузиш ва бошқа жойга ўрнатиш зарур бўлиб қолган тақдирда вайрон бўлиши ёки яроқсиз ҳолга келишидан кўриладиган зарарни бирмунча тўла ундириб олиш имконини беради.

Шартнома 1 йил муддатга тузилади. Страхование тўлови кўп эмас, ҳар 100 сўм страхование суммасидан 50 тийиндан 70 тийингача қилиб белгиланган. Агар Сиз шартнома тузган бўлсангиз, унинг муддатини ўз вақтида янгилашни унутманг!

УЙ ЖИҲОЗЛАРИ СТРАХОВАНИЕСИ

Ҳар бир совет оиласи ўз квартирасига замонавий мебель, чиройли кийим, янги телевизор, идиш-товоқ, гилам ва бошқа уй-рўзғор ҳамда ўзи учун кундалик керак бўладиган буюмларни олиш учун кўп меҳнат ва вақт сарф қилади.

Шу билан бирга, кўпинча ёнғин, жала, иситиш системалари ва водопровод тармоқларининг авария бўлиши, қўшни хонадан сув оқиб чиқиши натижасида уй жиҳозларининг яроқсиз бўлиши ёки уларга зарар етиши ҳоллари учраб туради. Шунингдек, уй-рўзғор жиҳозларини ўғирлатиб қўйиш, шунингдек, доимий турар жойни ўзгартириш муносабати билан кўчиб кетилаётганда уларга зарар етиши ҳоллари бўлиши мумкин.

Агар Сиз ўз буюмларингизни страхование қилдирган бўлсангиз, у ёки бу ҳодиса туфайли ташвишингиз ва кўрадиган моддий зарарингиз бирмунча кам бўлади.

Уй жиҳозлари доимий турар жойдан страхование қилинади.

Уй жиҳозларни 2 ойдан 11 ойгача ва 1 йилдан 5 йилгача муддатга истаган нархда (тутилганлигини ҳисобга олган ҳолда) давлатнинг мавжуд чакана баҳосида ҳар қандай суммага страхование қилдириш мумкин.

Тўловлар, уй-жойнинг ёнғинга чидамлилиги ва қаерга жойлашганлигига қараб 1 йилга страхование қиймати-нинг ҳар 100 сўмидан шаҳарларда, қишлоқ район марказлари ва поселкаларида 15-25 тийин, қолган қишлоқ жойларда эса — 15-30 тийин қилиб белгиланган.

ҲАЁТНИНГ АРАЛАШ СТРАХОВАНИЕСИ

Ҳурматли ўртоқлар!

Сиз шахсни страхование қилишнинг мамлакатимизда энг кўп тарқалган турларидан бири ҳаётнинг аралаш страхованиеси эканлигини билсангиз керак.

Страхованиенинг бу тури шартномалари ҳар хил страхование суммалар бўйича 16 ёшдан 70 ёшгача бўлган гражданлар билан 5, 10, 15 ёки 20 йил муддатга тузилади. Аммо страхование муддати охирида унинг ёши 75 ёшдан ошмаслиги керак. Ҳозирги пайтда республикамизда ана шундай шартнома тузган кишиларнинг сони 1 миллион 260 минг кишидан ортиб кетди.

Давлат страхованиеси органлари билан келишилган ҳолда исталган суммага страхование шартномаси тузиш мумкин.

Страхование гувоҳномасида кўрсатилган страхование суммаси қуйидаги ҳолларда тўланади:

а) страхование муддати тугаганда;

б) страхование қилдирувчи жароҳатланганда, тўсатдан сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотларидан қаттиқ оғриши, баҳорги-ёзги энцефалит ёки полиомиелит билан оғриши натижасида умумий меҳнат қобилиятини йўқотганда. Страхование қилдирувчи юқоридаги кўрсатилган сабаблар туфайли умумий меҳнат қобилиятини маълум даражада йўқотган тақдирда страхование суммасининг тегишли қисми берилади;

в) страхование қилдирувчи вафот этганда.

Агар страхование шартномаси «Б» тарифи бўйича тузилган бўлса, страхование қилдирувчи «Б» пункти бўлимида кўрсатилганидек бахтсиз ҳодисалар туфайли умумий меҳнат қобилиятини йўқотган тақдирда тўланиши лозим бўлган страхование суммаси икки баравар кўпаяди.

Страхованиенинг ойлик бадали миқдори страхование қилдирилган суммага, страхование қилдирилган кишининг страхование қилдириш тўғрисида ариза берган кунидан бошлаб страхование муддати ва ёшига боғлиқдир. Страхование бадалини иш жойидаги бухгалтерия орқали нақд пулсиз ҳисобкитоб йўли билан, шунингдек страхование агентига нақд пул ёки омонат кассадаги махсус ҳисоб-китоби бўйича тўлаш мумкин.

Страхование бадали страхованиенинг умумий муддати давомида бир ой олдин тўланиши керак.

Страхование қилдирувчига страхованиенинг ҳамма муддатига бир йўла камайтирилган тариф бўйича страхование бадали тўлаш ҳуқуқи берилади.

БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРДАН СТРАХОВАНИЕ ҚИЛИШ

Ҳурматли ўртоқлар!

Давлат страхование органлари аҳолига таклиф қиладиган шахсни страхование қилишнинг турларидан яна бири бахтсиз ҳодисалардан страхование ҳисобланади. Давлат страхование органлари 16 ёшдан 75 ёшгача бўлган ишчилар, хизматчилар, колхозчилар, уй бекалари ва бошқа кишилар билан 1 йилдан 5 йилгача муддатга бахтсиз ҳодисалардан страхование шартномалари тузади. Уч йилдан беш йилгача муддатга страхование қилинганда, шунга мувофиқ тўлаб бориладиган бадал ҳам 5, 10 ёки 15 процентга камайтирилади.

Страхование суммаси ёки унинг бир қисми страхование қилдирувчи жароҳатланиш (лат еиш, яралор бўлиш, суяк синиши, қўйиш, совуқ уриши, электр токидан, эзилишдан зарарланиш, бўғин чиққанда), заҳарли ўсимликлар, химиявий моддалар, сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқалардан тўсатдан қаттиқ оғриб қолиш, оғриш натижасида умумий меҳнат қобилиятини доимийга тўла йўқотганда, баҳорги-ёзги энцефалит ёки полиомиелит билан оғриганда, страхование қилдирувчи юқорида кўрсатилган ва страхование шартномасида кўзда тутилган бошқа сабаблардан ҳалок бўлган тақдирда тўланади.

Страхование бадали страхование қилдириш ҳоҳишини билдирган кишининг касби ва ишлаб чиқариш турига қараб бир йилга ҳар 100 сўмдан 25 тийиндан 1 сўм 20 тийингача белгиланади.

ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕСИ СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДА

ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ СТРАХОВАНИЕ ҚИЛИШ

Агар Сизда енгил автомобиль, мотоцикл, мотороллер, мопед (двигателининг иш ҳажми камида 49.8 см³ли), катер, яхта, моторли, елканли ёки эшкакли қайиқ бўлса, уларни страхование қилдиришингизни маслаҳат берамиз.

Страхование шартномаси транспорт воситасининг авария (йўл-транспорт ҳодисалари), ёнғин, портлаш, яшин уриш, довул, жала ва бошқа табиий офатлар, шунингдек транспорт воситасини ўғирлаб кетиш ва уни ўғирлаб кетиш ёки олиб қочиш пайтида етказилган моддий зарарни қоплашга (страхование суммаси миқдорида) кафолат беради.

Страхование қилдирувчи хоҳишига қараб, лекин транспорт воситасининг қиймати давлатнинг мавжуд чакана баҳосидан (фойдаланилганлигини ҳисобга олиб) ошмасдан туриб белгиланади.

Страхование шартномаси 1 йил муддатга тузилади.

Страхование тўлови транспорт воситасининг тури, страхование муддати ва страхование суммасининг кўплигига қараб белгиланади. Масалан, автомобилни бир йил муддатга страхование қилинганда, тўлов страхование суммасининг 1,5дан 4 процентгача бўлган қисмини, мототранспорт воситасининг —1 дан 2 процентгача, қайиқнинг — 1,5 дан 3 процентгача, катер ва яхтанинг —2 дан 3 процентгача бўлган қисмини ташкил этади. Бунда страхование суммаси қанчалик кўп бўлса, тўлов нархи шунчалик паст бўлади.

Страхование қилдирган киши олдинги 2 йил мобайнида транспорт воситасини узлуксиз страхование қилдирган ва шу муддатда ўз айби билан авария содир қилмаган бўлса, кейинги шартномани тузиш пайтида тўланадиган тўловни 10 процент миқдорда, уч ва ундан кўп йил муддатда страхование қилдирганда эса — 15 процентга камайтириш ҳуқуқига эга.

Страхование тўловини страхование агентига нақд пул билан, шунингдек, иш жойидаги бухгалтерия орқали нақд пулсиз ҳисобкитоб йўли билан тўлаш мумкин. Агар страхование тўлови 30 сўм ёки ундан ортиқ бўлса, уни иккига бўлиб тўлаш мумкин.

СТРАХОВАНИЕ ШАРТНОМАЛАРИ БЎЙИЧА СТРАХОВАНИЕ БАДАЛЛАРИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

Страхование тўловларини иш жойидаги бухгалтерия орқали нақд пулсиз ҳисобкитоб йўли билан тўлаш бирмунча қулай. Бундан ташқари страхование тўловларини нақд пул билан страхование агентига тўлаш мумкин, болалар страхованиеси, ҳаётнинг аралаш страхованиеси ва никоҳ страхованиеси тўловларини Давлат страхованиеси инспекцияси томонидан страхование эгасига берилган ҳисоб дафтарчаси бўйича омонат кассада сақланаётган омонатдан ёки почта переводи орқали тўлаш ҳам мумкин.

Страхование шартлари ва шартномалар тузиш қондаларини Давлат страхованиесининг район (шаҳар) инспекциясида ёки сиз меҳнат қилиб турган ташкилот, корхона ва муассасага хизмат кўрсатувчи страхование агентига учрашиб тўлиқроқ билиб олиш ва шартнома тузиш мумкин. Страхование агентини уйга таклиф қилиш ҳам мумкин.

Ўзбекистон ССР Давлат страхованиеси бош бошқармаси.

Р. 02436 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 288.